

ҚАНЧА КУТИШ КЕРАК?

Мен шу йилнинг 15 январида бир идорага шахсий масала бўйича ариза билан мурожаат қилган эдим. Лекин шу кунгача жавоб беришмаяпти. Қачон сўрасам, жавоб бераман дейишдан нарига ўтишмаяпти. Уларнинг қилаётган иши қонунга тўғри келадими? Қачонгача кутаман?

5 бет

ЖИНОИЙ ГУРУҲНИНГ ТУГАТИЛИШИ

Б.Мусаевнинг бойвачча танишлари шунчалки кўп эканки, у кейинги сафар учрашганларида Авзалга яна бир хонадоннинг манзиллини бери-ди, бу гал ҳам уй эгасини яхши таниганлиги боис ўзи иштирок этмаслигини айтиб, уйда ит борлиги ҳақида ҳам огоҳлантирди.

8 бет

Mustaqillik huquq demakdir



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2011-yil 10-fevral, №06 (735)

Бош прокуратурада

Жараён

Қонунийликни таъминлаш — бош мақсадимиз

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Бош прокурор Р.Қодиров раислигида кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.

Ҳайъат мажлисида Бош прокуратура ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг таркибий тармоқлари раҳбарлари, шунингдек, вилоятлар, туманлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, департаментнинг ҳудудий бошқарма ва бўлим бошлиқлари иштирок этдилар.

Унда Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йилнинг 21 январь куни Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақсулари ва 2011 йил иқтисодий дастурига энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган прокуратура органларининг вазифалари, шунингдек, мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги 2010 йилдаги фаолияти ақсулари муҳокама қилинди.

Ўтган йилда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва иш билан таъминлаш соҳаларида қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқлари кафолатлини ҳамда уларга иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўз вақтида тўлиниши жараёнида йўл қўйлаётган қонунбузарликларни бартараф этиш чоралари қўрилгани қайд этилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг аниқ ва сўзсиз ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши йўлидаги маъмурий тўсиқлар ва бюрократия ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этишнинг зарур чоралари қўрилгани тасдиқланди.

Ҳайъат мажлисида жорий йилнинг 21 январь куни Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида Республика Президенти Ислом Каримов томонидан Бош прокуратурага бу масалада берилган топшириқлар видеолавҳаси намойиш этилиб, вилоятлар, туманлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларга ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги департаментнинг ҳудудий бошқарма ва

бўлим бошлиқларига ундан ҳулоса чиқариш, тадбиркорларнинг эркин фаолият кўрсатишига ҳар қандай ноқонуний аралашувлар, ривожланиши йўлидаги маъмурий тўсиқлар ва бюрократия ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича қатъий талаблар қўйилди.

Шунингдек, мазкур субъектларнинг молия-ҳўжалик фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашуш иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича давлат сифатида зид хатти-ҳаракат этишга баҳоланиб, қондабузарларга нисбатан қонунда белгиланган жавобгарлик чораларини қатъий қўллаш борасида топшириқлар берилди.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида қонунлар ижросини назорат қилиш, деҳқон ва фермерларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, қишлоқ ҳўжалигидаги суистеъмолчиликларга барҳам бериш каби вазифаларни бажариш борасидаги фаолиятнинг самардорлигини ошириш лозимлиги белгиланди.

Шу билан бирга, ҳайъат мажлисида прокурор назоратининг бошқа йўналишларида ҳам муайян натижаларга эришилгани қайд этилиб, йўл қўйилган камчиликлар қаттиқ танқид остига олинди.

Фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси, соғлиғини сақлаш ҳамда шу каби бошқа ҳуқуқларининг кафолатлини қарантилган қонунлар ижроси юзасидан айрим вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва ҳўжа-кўритувчи субъектлар томонидан қонунбузилишларга йўл қўйилганлиги эътироф этилиб, бу соҳада назоратни янада кўчатириш ва мутасадди идоралар томонидан йўл қўйлаётган қонунбузилишларни бартараф этишнинг зарур чораларини қўриш топширилди.

2011 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Давлат дастури, қишлоқда уй-жой қуриш ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш орқали аҳолининг бандлиги ва турмуш даражасини тубдан оширишга қаратилган қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш ишларини янада фаоллаштириш, иқтисодиёт соҳасини тартибга солиш, тўлов ва шартнома интизомини мустаҳкамлаш, чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш ва хорижий инвесторлар учун янада қўлай шароитлар яратишга оид қонунлар ижроси ундан назоратни ку-

чайтириш талаб этилди.

Шунингдек, умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини таъминнинг кейинги босқичга тўлиқ жалб этиш ҳамда коллеж ва лицей битирувчиларининг бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш топширилди.

Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти томонидан тезкор-қидирув имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, яширин иқтисодий фаолиятга қарши курашиш борасидаги камчиликлар танқид қилинди, бу йўналишдаги ишларни кўчатириш кўрсатиб ўтилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолияти мувофиқлаштирилиб, улар ўртасида ўзаро ҳамкорлик таъминлини келинганига қарама-дан, республика бўйича айрим жиноят турлари ошган.

Мажлисида жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолият устидан назоратни кўчатириш, унинг олдини олишга қаратилган тадбирлар самардорлигини оширишнинг қатъий чораларини қўриш, бу жараёнда жамоатчилик имкониятларидан кенг фойдаланиш юзасидан қўрсатмалар берилди.

Шунингдек, жиноят ишлари юзасидан дастлабки тергов олиб бориш, жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни ҳал этиш борасида йўл қўйилган камчиликлар танқид қилиниб, тергов сифатини ошириш, жиноятларни марказлашган ҳисобдан яшириш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган топшириқлар берилди.

Мажлисида қадрларни танлаш, тайинлаш, тарбиялаш, шунингдек, уларнинг масъулияти ва шахсий жавобгарлигини кескин ошириш бўйича фаолиятни янада яхшилаш ҳақида қатъий талаблар қўйилди.

Бош прокурор томонидан вилоят, туман прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, тегишли тармоқ раҳбарлари, шунингдек, Бош прокуратура ҳузуридаги департамент ҳамда унинг ҳудудий бошқарма ва бўлим бошлиқлари олдида қонунлар ижроси устидан таъсирчан назоратни таъминлашда масъулиятни янада ошириш борасида қатор вазифалар қўйилди.

Мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Президентимиз ўтган йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида сўзлаган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" номли маърузасида жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борда амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти, кўп жиҳатдан, одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқ эканига яна бир бор ургу берди. Албатта, бу устувор вазифаларни ҳал этишда ёш авлоднинг таълим-тарбияси етакчи ўрин тутди.

Фуқаролар ва давлат манфаатлари уйғунлиги

Шу боисдан ҳам Сурхондарё вилоятида вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, уларни баркамол фарзандлар қилиб тарбиялаш масаласига доимий эътибор қаратиб келинмоқда. Айниқса, таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида махсус дастур асосида қат-та ишлар қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги "Умумий ўрта ва ўрта махсус касб-ҳунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори билан тасдиқланган дастурга асосан бюджет маблағлари ҳисобидан вилоятда 2004-2010 йиллар давомида 76 та коллеж ва академик лицей барпо этилиб, 39 та ётоқхона янгидан қурилди. 4 та коллеж, 18 та ётоқхона капитал таъмирланиб, уларнинг моддий-техника базаси яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумийлиги дастури тўғрисида"ги Фармони асосан бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан вилоятда мавжуд 850 та мактабдан 25 таси янгидан қурилади, 233 таси капитал реконструкция қилинди, 364 таси капитал ва 194 таси жорий таъмирланиб, ўқув-лаборатория ва компьютер жиҳозлари билан таъмирланди. Шунингдек, "Баркамол авлод — 2011" спорт мусобақалари 2011 йил Термиз шаҳрида ўтказилиши мусобақаси билан 10 минг томошабинга мўлжалланган спорт иншооти қурилиши ақсунига етказилмоқда.

Термиз шаҳрида 80 нафар тарбияланувчига мўлжалланган, барча қўлайликларга эга бўлган 12-сонли "Меҳрибонлик уйи"нинг янги биноси барпо этилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, тарбияланувчиларга микроавтобус ажратилган.

Бугунги кунда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика қилиш прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолди. Шу сабабли вилоят прокуратураси органлари томонидан вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир қонунлар ижроси юзасидан 2010 йилда ўтказилган назорат тадбирлари жараёнида аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари 2782 та прокурор назорати ҳужжатларини қўллаш орқали бартараф этилиб, 607 нафар вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари тикланди. Хусусан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари ҳимоясини таъминлаш мақсадида судларга ота-оналик ҳуқуқини чеклаш, бу ҳуқуқдан маҳрум қилиш ҳақида 66 та, вояга етмаганлар манфаатини қўзлаб 20 млн. сўмдан ортиқ моддий зарарларни ундириш бўйича 190 та давво аризалари киритилди.

/Давоми 3-бетда/

Обуна — 2011

Хўрматли юртдошлар!

2011 йилда ҳам "HUQUQ" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади. Газетамизга барча почта бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин.

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

НАШР ИНДЕКСИ — 231

Устувор вазифа

Иқтисодийни жадал ривожлантириш орқали фуқаролар турмуш даражасини юксалтиришни кўзлаб ўтказилаётган ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид қонунлар ва қонуности ҳужжатлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатишнинг тез суръатларда ривожланиши учун қулай ижтимоий-иқтисодий муҳитни вужудга келтирди.

Косиб-хунармандлар шаҳри — Марғилонда ҳам бу яққол кўзга ташланмоқда. Кичик бизнес вакиллари савдо, хизмат кўрсатиш билан чекланмасдан кичик корхоналар ташкил этиб, рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишмоқда. Шаҳар прокуратураси ушбу жараёнда қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида иш юритмоқда. Шаҳарда тааллуқли идоралар томонидан кичик бизнес, тадбиркорлик вакиллари давлат рўйхатидан ўтказиш ва ишни ривожлантиришда келиб чиқадиган муаммоларни бартараф этиш, хорижий инвесторларни жалб қилиш, тадбиркорлик фаолиятига зарур шарт-шароитларни яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, назорат идоралари ва банк муассасаларида тадбиркорлик фаолиятига қўмаклашиш мақсадида "Ахборот олиш тармоғи" ташкил этилди. Тадбиркорлар фаолиятига фойдаланувари қонуний аралашувларга чек қўйилмоқда.

Фуқароларнинг шаҳар прокуратурасидаги "Ишонч телефони"га қилган мурожаатлари тегишли тартибда кўриб чиқилиб, қонуний ҳал этилмоқда. Чунончи, хусусий тадбиркор М.Абдурахмоновнинг "Ишонч телефони"га мурожаати кўриб чиқилди. Унга ҳисоб рақамини очган "Ҳамкорбанк"нинг Марғилон филиалидан савдо терминалини олиб ўрна-

тишига амалий ёрдам кўрсатилди.

Фуқаро М.Махмудов телефонда баён этишича, у Тошлоқ туманидаги "Нон" корхонасида ҳисобчи бўлиб ишлайди. Иш ҳақи пластик карточкага ўтказилади. Бироқ, "Халқ банки" Марғилон филиалининг мутасаддилари унинг боғда тарбияланаётган ўғли учун пластик карточкадан тўловни ўтказиб беришдан бош тортишган. Прокуратуранинг аралашуви билан мактабчага таълим муассасасига тўлов ўтказилиши йўлга қўйилди.

"Ишонч телефони"га "Зухро" МФЙда яшовчи В.Астахова қўнғироқ қилиб, кўп хонадонли турар жой биноларидаги иссиқлик тизими қувурларини ўзбошимчалик билан кесиб олган "Турон" уй-жой ширкати раиси Қ.Юлдашевга нисбатан қонуний чора кўришни сўраган. Шаҳар коммунал хизмат кўрсатиш ва бошқа тааллуқли идоралар раҳбар ходимлари иштирокида ушбу мурожаат ўрганилганда, ширкат раиси 11 ва 21-ўйда яшовчи хонадонларнинг розилигисиз, ертўлалардаги 269 метр иссиқлик тизими қувурларини ўзбошимчалик билан кесиб олиб, сотиб юборгани маълум бўлди. Сотувдан тушган пуллари эса ширкат газнасига қирим қилмасдан, ўз эҳтиёжларига сарфлаган. Қ.Юлдашев томонидан етказилган зарарнинг тўлиқ қопланиши таъминланди.

"Ишонч телефони"га фуқароларнинг ичимлик суви, табиий газ таъминотидаги ҳамда иш ҳақи тўловидаги узиллишларни бартараф этишни сўраб қилган мурожаатлари ҳам кўриб чиқилиб, ичим-

Анваржон АДҲАМОВ,
Марғилон шаҳар прокуратурасининг
ёрдамчиси

лик суви ва табиий газ тармоқлари таъмирланди. Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судга даъво аризалари киритилиб, Марғилон йўллардан фойдаланиш тармоғи корхонасининг 77 нафар ишчи-ҳодимларига тўрт ойлик, жами 33,8 млн. сўмлик иш ҳақларининг тўловини таъминланди. Прокуратура томонидан судга киритилган даъво аризалари қаноатлантирилиб, шаҳар электр тармоқлари корхонасининг 87 нафар ишчи-ҳодимларига вақтида тўланмаган, жами 18,8 млн. сўмликдан иборат иш ҳақлари ундириб берилди.

Прокуратура тўлов интизоми борасида ўтказган таҳлилларда аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари ҳам бартараф этилмоқда. Шаҳардаги корхона ва ташкилотларда ишлаётган 442 нафар ишчи-хизматчиларнинг манфаатларини кўзлаб судга даъво аризалари киритилди ҳамда 147,4 млн. сўмлик иш ҳақлари ундирилди.

Маълумки, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг муайян қисми бекорчилик оқибатида келиб чиқади. Таҳлилларда аниқланишича, ўтган йили умумий жиноятларнинг 12,7 фоизи ҳеч қаерда ишламайдиган ва ўқимайдиганлар томонидан содир этилган. Шунини эътиборга олган ҳолда прокуратура бандлик муаммоси билан астойдил шугулланмоқда. Аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги қонунчилик ижроси ўрганилиб, таҳлил қилинмоқда. Прокуратура ташаббуси билан 4 маротаба ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркаларида катнашган 1670 нафар иш излаётганнинг 353 нафари ўзига мақбул корхоналарда доимий ишга жойлашди.

Агар етарли шароит бўлса, инсон имкониятларининг чегараси чексиз. Фаровон ҳаёт қуриш ҳам, дунё неъматларидан унумли фойдаланиб, саодати умр кечирish ҳам аввало, инсоннинг ўзига боғлиқ. Давлатимизда бунга етарли шарт-шароитлар яратилиб, жамиятнинг турли соҳаларига керакли эътибор қаратилмоқда. Ислохотларнинг узвий давоми сифатида Президентимиз томонидан бу йилнинг "Кичик бизнес ва тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши ҳам катта рамзий маъно бор.

Тадбиркорларни қўллаб...

Рустам ИСЛОМОВ,
Самарқанд вилоят прокуратурасининг катта ёрдамчиси

Президентимизнинг халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида берган йўл-йўриқлари асосида вилоят ҳокимининг жойларда фаоллар ва тадбиркорлар билан ўтказиётган учрашувида прокуратура ходимлари ҳам фаол қатнашмоқдалар.

Самарқанд вилоят прокуратураси томонидан тузилган ишчи гуруҳи тадбиркорлик субъектларига жойларда яратилаётган шарт-шароитлар, имтиёзлар, умуман йил номланишининг моҳияти тўғрисида тушунтиришлар олиб бормоқда. Шунингдек, бу борадаги сунъий тўсиқ ҳамда расмийликчилик ва масъулиятсизликлар аниқлиб, уларни бартараф этиш юзасидан аниқ тақлифлар айтилмоқда.

Иштихон туманида вилоят ҳокими, вилоят прокурори ҳамда тадбиркорларга хизмат кўрсатувчи корхона ва муассаса раҳбарлари иштирокида жами 380 нафар, яъни фермер ҳўжаликлари ҳамда аҳолига савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлар билан бўлган учрашув ана шундай саяёҳаракатларнинг бошланганга яққол мисол бўла олади. Тадбирда мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорлик субъектларига яратилаётган шарт-шароитлар ҳамда имтиёзлар тўғрисида маълумотлар берилди. Иштихон туманида фаолият кўрсатаётган "Мар-Гра" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасининг фаолиятини ривожлантириш учун 150 минг АҚШ доллари қийматида, "Чевар-Марғуба" хусусий корхонасига 10 миллион сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилиши ҳамда "Пахлавон-Фирдавбек" хусусий корхонасига мақорон маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун ажратилаётган ун миқдорини кўпайтириш борасидаги мурожаатлар юзасидан, шу жойининг ўзида маъсул корхона ва ташкилотлар томонидан амалий ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилди.

Ҳудди шундай учрашув Каттакўрғон туманида ҳам ўтказилди. 250 нафар фермер ҳўжаликлари ҳамда аҳолига савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлар билан бўлган мазкур тадбирда вилоят ҳокими ва вилоят прокурори катнашди. Туманда фаолият кўрсатаётган хусусий тадбиркор Бахтиёр Эргашевнинг балиқчиликни ривожлантириш мақсадида 7 гектар ер ажратиш, тумандаги "Матлуботсавдо" ИЧСК тизимидаги дўконларга пластик карточкалар билан савдо қилиш учун терминаллар ўрнатишдаги муаммолар борасидаги мурожаатларига бунга маъсул корхона ва ташкилотлар томонидан амалий ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилди.

Шунингдек, ходимларимиз томонидан вилоят ҳудудида тадбиркорлар фаолиятига сунъий тўсиқ бўлаётган ҳолатларни бартараф этиш, бериладган имтиёзлардан самарали фойдаланиш юзасидан мутасадди раҳбарларга ўз вақтида тадқиқномалар киритилмоқда.

Иш ҳақи ўз вақтида берилиши керак

Қайси ташкилот, идора ёхуд корхонада ишладан қатъий назар, ҳар бир ходим белгиланган муддатда иш ҳақларини олиши керак. Агар у чўзиб юборилгудек бўлса, табиийки, шу жойда норозилик келиб чиқади. Демак, бунинг салбий натижаси пиروвард оқибатида ишнинг сифатига ҳам таъсир этмасдан қолмайди. Шу нуқтаи назардан вилоят прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги "Иш ҳақининг ўз вақтида тўлинишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан текширишлар ўтказилди.

Текширишлардан маълум бўлдики, айрим корхона раҳбар ва маъсул ходимлари ўзларига юклатилган хизмат вазифаларини лозим даражада бажармасдан, биринчи даражали тўловлар учун ажратилган маблағларни ўз вақтида тўлаш чораларини кўрмасдан, бюджет маблағларини ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-то-

рож қилишгача бориб етмоқда. Текшириш давомида уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилиши таъминланди.

Хусусан, С.Валиева Узун маиший хизмат касб-хунар коллежида иш ҳақи ҳисобчиси лавозимида ишлаб келиб, мансаб ваколатини суиистеъмоқ қилиб, 2010 йил август ойига қадар коллежининг ишчи-ҳодимларига 22 та ҳолатда 985 минг 913 сўм иш ҳақларини ва моддий ёрдам пулларини ортиқча ва 2 та ҳолатда 381 минг сўм хизмат сафарлари харажатларини но-тўғри ҳисоблаганлиги сабабли бюджетга зарар етказилган. Шунингдек, коллеж газначиси Н.Насриддиновга 194 минг 758 сўм, ўзига 63 минг 787 сўмлик моддий ёрдам пуллари штатлар жадвалига нисбатан ортиқча ҳисобланган. Бундан ташқари, иш ҳақлари учун банкдан олинган нақд пуллардан коллеж ўқитувчилари Н.Тўйчибаевага 213 минг сўм, И.Искандаровга 168 минг сўм хизмат сафарлари учун тўлаб юборилган.

Ўрганиш натижаларига кўра, С.Валиева ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми "г" бандида кўрсатилган жиноятни содир этганлиги аниқланиб, қонун устуворлиги таъминланди.

Музработ туманидаги "Эркин Термиз" кўп тармоқли хусусий қурилиш корхонаси билан фуқаролар Н.Умиров ва бошқалар тумандаги қурилиш ва маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи биноси қурилиши учун шартнома тузиб, 2009 йил 14 январдан 2009 йил 12 сентябрь кунига қадар ишлаб келишган бўлса-да, ишчиларга 7 млн. 73 минг сўмлик иш ҳақларини тўлаб бериш чоралари кўрилмаган.

Туман прокуратураси аралашуви билан ишчиларга 7 млн. 73 минг сўмлик иш ҳақи тўлиқ тўлаб берилган, корхона бошлиғи Э.Холматовга нисбатан эса маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилган.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан 2010 йилда ушбу йўналишда ўтказилган текшириш ва таҳ-

Р.АБДУЛЛАЕВ,
Сурхондарё вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

лиллар натижасига кўра, 11 нафар мансабдор шахсга қонунбузилишига йўл қўймайлик ҳақида оғохландирув эълон қилинган, аниқланган қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб берган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида 18 та тақдирнома киритилган. Прокуратуранинг қарор ва тақдирномаларига асосан 87 нафар шахс маъмурий ва 14 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилган, етказилган 44 млн. 160,5 минг сўмлик зарар ихтиёрий равишда ундирилган, жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 34 та жиноят иши қўзғатилган, судларга 436 млн. 375 минг сўмлик 762 та ариза киритилган ҳамда 752 нафар шахсларнинг ҳуқуқи тикланган.

Фуқаролар ва давлат манфаатлари уйғунлиги

**/Давоми.
Бошланғичи 1-бетда/**

Вояга етмаганларнинг соғлигини сақлаш тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан прокурорлик назорати фаолиятида соғлиқни сақлаш муассасаларида беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, даволаш учун ноқонуний ҳақ олиш ҳоллари юзасидан айбдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўриш, етказилган моддий зарарларни ўндириш, болаларни парваршиллаш, тарбиялаш, тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш мажбуриятларини бажармаган айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш каби ҳолатларга алоҳида эътибор қаратилди.

Мазкур масалада 2010 йилда ўтказилган назорат тадбирлари давомида аниқланган қонунбузилиш, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиш бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида 45 та тақдимнома киритилди, 24 нафар мансабдор шахслар бундай ҳолатларга йўл қўймаслик хусусида оголхатланди.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастурига асосан болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасидаги тадбирлар самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Вояга етмаганлар ўртада назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонунини амалга татбиқ этиш юзасидан вилоят маркази ва жойларда мутасадди идоралар ва ташкилотлар иштирокида кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда қонун талабларидан келиб чиқадиган долзарб вазифалар ва устувор йўналишларга бағишланган илмий-амалий конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари ташкил этилди. Бу йўналишда вилоятда 2010-2011 йиллар давомида бажарилган лозим бўлган тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилди. Амалий ишларнинг давоми сифатида вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан жорий йилнинг январь ойида Жарқўрғон туманида мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида Одам савдосига қарши курашиш бўйича Термиз шаҳар ва туманлар ҳудудий идоралараро ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг масъул хотиблири иштирокида ўқув-амалий семинар ўтказилди. Бу йўналишдаги ишлар янада кучайтирилмоқда.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш прокуратура органлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Бу соҳада 2010 йилда ўтказилган текшириш ва мониторинглар натижасига кўра аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари 10278 та прокурор назорати ҳужжатларини кўллаш орқали бартараф этилди. Судларга 549 млн. сўмлик 1720 та даъво аризалари киритилди. 100,2 млн. сўмлик зарарларнинг ихтиёрий ўндирилиши таъминланиб, жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 154 та жиноят ишлари кўзгатилиди ва 1327 нафар шахсининг бузилган ҳуқуқлари тикланишига эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2010 йил 30 июлдаги ҳайъат қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, фаолиятини ривожлантириш учун бўлаётган тўсиқ ва муаммоларни бартараф этиш борасида 2010 йил 7 августда вилоят ҳокими ва вилоят прокурори томонидан тасдиқланган қўшма фармойиш асосида жойларда тадбиркорлар билан ҳар ойда икки маротабадан учрашувлар ўтказиб келинмоқда. Бу борада асосий эътибор вилоятда тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқариш ҳажминини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, бунинг натижасида фуқароларнинг, шу жумладан, ёшларнинг бандлигини таъминлашга қаратилмоқда.

Ўтказилган учрашувларнинг натижаларига кўра, 25 нафар тадбиркорга 538 млн. сўмлик кредит маблағлари, 7 нафарига 1 гектар ер майдони ажратилишида, 113 нафарига эса тегишли рухсатномалар олиш ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштиришда амалий ёрдам берилди ҳамда 551 та янги иш ўринлари яратилишига эришилди. Учрашувларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилишига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу борада 33 мартаба чиқишлар қилинди.

Шунингдек, вилоят, туман ва шаҳар прокуратураларида ўрнак қилинган "007" ишонч телефонлари оид тадбиркорлар фаолиятига оид масалалар бўйича келиб тушган 21 та мурожаатларнинг ижобий ҳал этилиши таъминланди. Жумладан, Денов туманидаги "Янгиобод булоқлари" МЧЖ раиси А.Мансуровнинг банкдан 18 млн. сўм миқдоридagi имтиёзли кредит ололмаётганлиги ҳақидаги мурожаати кўриб чиқилиб, туман прокуратураси арашуви билан унга кредит олиб берилиши таъминланди.

Шу билан бирга, айрим мансабдорлар томонидан тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, уларга ҳар томонлама кўмак бериш ўрнига, сунъий тўсиқлар яратиш, тамагирилик йўли билан пора талаб қилиш, уларнинг маблағларини бошқа мақсадларга жалб қилиш орқали талон-торож қилиш, ноқонуний текширишлар ўтказиш ҳолатлари ҳамон учраб турибди. Бундай ҳолатларни содир этганлар орасида баъзи туман-шаҳар ҳокимларининг борлиги ачинарли ҳолдир.

Хусусан, Термиз шаҳар ва Денов туман ҳокимлари тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш учун ер ажратиш ва бошқа имтиёزلардан фойдаланиш борасида мурожаат қилган тадбиркорлардан тамагирилик билан пора олганлиги сабабли жиноят ишлари кўзгатилиб, тегишли судлов органларига юборилган эди. Суд томонидан уларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланди.

Сариосиё туман ветеринария бўлими томонидан яқка тартибдаги тадбиркор Х.Сангинов ветеринария қонунчилигини бузганлиги кўрсатилган, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилмасдан, унинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилмасдан,

тегишли тартибда рухсат олинмасдан ноқонуний равишда текшириш ўтказилган ва у Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 109-моддаси билан маъмурий жаримага тортилган. Мазкур қарор туман прокурорининг протестига кўра бекор қилинди ва тадбиркор Х.Сангиновга жарима суммаси қайтариб берилиб, ноқонуний текшириш ўтказган вилоят давлат ветеринария назорати инспекцияси инспектори Ш.Кўшоқов, вилоят ИИБ патруль-пост хизмати милиционерни Р.Абдуқўлов, туман давлат ветеринария бўлими бошлиғи А.Саидов, лаборатория мудири Х.Мирзаевларга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш кўзгатилиб, ижрога қаратилди.

Президентлигининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси, мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросим, Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган йилгилишидаги маърузаларда бошқа соҳалар билан бирга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсади, унга тегишли кўмак ва рағбат бермасдан, зарур имконият, имтиёз ва преференциялар яратмасдан туриб, иқтисодиётимизнинг келажagini таъминлаб бўлмаслиги, илгор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб бериш шартлиги айтилган эди. Шундан келиб чиққан ҳолда Бош прокуратурага тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳўжалик фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашувни иқтисодий ислоҳотида чуқурлаштириш бўйича давлат сиёсатида қарши қаратилган ҳаракат сифатида кўриб чиқиш ва ҳуқуқбузарларга нисбатан қонунчиликка мувофиқ жавобгарлик нормаларини қўллаш вазифаси топширилди. Шу нуктага назардан бу борадаги ҳар бир қонунбузилиш ҳолатига бундан буён ҳам қатъиятлик билан муносабат билдирилмоқда.

Ўтказилган назорат тадбирларида айрим мансабдор шахслар ишчи-ҳодимларнинг иш ҳақини ўз вақтида бериш ўрнига уларнинг ҳақидаги хиёнат қилиб, ўз манфаати йўлида ишлатиб, талон-торож қилиш ҳолатлари йўли қўйишганлиги аниқланган, тегишли чоралар қўрилди. Жумладан, А.Эргашев Узун туман ҳокимлигининг ҳисобчиси вазифасида ишлаб келиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги "Иш ҳақининг ўз вақтида тўлинишига доир қўшма чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори талабларини қўпол равишда бузган. У туман ҳокимлиги ҳодимларига 2010 йил сентябрь-октябрь ойлари учун ҳисобланган 10 млн. 362 минг 654 сўмлик иш ҳақини "Агробанк"нинг Узун туман филиалига фазнасидан олиб, ушбу маблағдан 8 млн. 613 минг 500 сўмини ўз эътиҳига ишлатиш орқали талон-торож қилган.

Бундай ноҳуш ҳолат Жарқўрғон туман тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиникада ҳам аниқланди. Поликлиника бош ҳисобчиси А.Аралов ва бошқалар 2008 йил 1 апрелдан 2010 йил 1 августга муассаса ҳодимлари номига 15 та сохта тўлов қайдномалари тузиб, уларнинг имзоларини сохталаштириб, анчагина маблағни ўзлаштиришган.

Ҳар иккала ҳолат юзасидан ҳам ЖКНнинг тегишли моддалари билан жиноят ишлари кўзгатилиб, айбдор шахслардан талон-торож қилинган бюджет маблағлари ихтиёрий равишда ўндирилди, уларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Вилоятда яна бир муҳим масала — аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам жиддий эътибор бериб келинмоқда. Ўтган йилда 63706 та янги иш ўринлари яратиш белгиланган бўлиб, амалда 63839 янги иш ўринлари яратилиб, режа 100,2 фоизга бажарилган. Иш сўраб мурожаат қилган 41807 нафар фуқародан 38859 таси ишга жойлаштирилган, 182 нафарига ишсизлик нафақаси тайинланган бўлса, 1625 нафар фуқаро касбга ўқитишга, 1141 нафари эса жамоат ишларига жалб қилинган. Вилоят прокуратураси органлари томонидан ўтказилган назорат тадбирлари жараёнида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари прокурор назорати ҳужжатлари орқали бартараф этилиб, 779 нафар шахсининг бузилган ҳуқуқи тикланди ва жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 8 та жиноят иши кўзгатилиб, Хусусан, Ангор туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази мансабдор шахслари томонидан 2009 йил ва 2010 йилнинг 10 ойида турли хил муассасаларга касбга тайёрлаш мақсадида ҳақиқатда ўқитилмаган шахсларга ўқитилганлиги ҳақида сохта ҳужжатлар тайёрланиб, бунинг оқибатида бюджет маблағларидан 3419,0 миң сўм асоссиз ўтказилиб, растрата қилиш йўли билан талон-торож қилинган. Мазкур ҳолат юзасидан марказ мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, ҳозирги кунда дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Кишлоқ ҳўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан ҳам мунтазам назорат тадбирлари амалга ошириб келинмоқда. Мазкур йўналишда асосий эътибор пахта ва галла экилладиган майдонлар мониторингинг, ер ажратишдаги суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш, гидротехника, мелиорация иншоотлари ҳамда кишлоқ ҳўжалиги техникаларидан фойдаланишда ҳўжасизлик, минерал ўғитлар ва ёнилғи-мўйлаш махсуслотларининг талон-торож қилинишининг олдини олиш, контрактация шартномаларининг бажарилишида фермер ҳўжалиklarининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби масалаларга қаратилди. Бу борада ўтказилган текшириш ва таҳлиллар натижасига кўра, 9891 та прокурор назорати ҳўжатлари қўлланилди.

Ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш, ер ажратишда суиистеъмолчилик ва таниш-

Ғафур БАРНОЕВ,
Сурхондарё вилоят прокурори

билишчиликка йўл қўймаслик борасида олиб борилган назорат тадбирлари натижасига кўра, 1768 та прокурор назорати ҳўжатлари қўлланилиб, жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 20 та жиноят иши кўзгатилиб, Судларга фуқаролар томонидан ўзбошимчилик билан эғаллаб олинган ер майдонларини фермер ҳўжалиklarига қайтариш юзасидан 155 та ариза киритилди. Назорат тадбирлари мўбайида 313 та ҳолатда 677,8 гектар экин майдонидан ноқонуний ва мақсадсиз фойдаланиб келинганлиги аниқланиб, айбдорларга нисбатан қўрилган чоралар натижасида ҳозиргача бу экин майдонларининг 457,7 гектари фермер ҳўжалиklarига қайтарилди таъминланди. Шунингдек, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат тадбирлари кучайтирилди. 2009 йилга нисбатан ўтган йилда шўрланган ер майдонлари қарийб 6000 гектарга яхшиланишига эришилди.

Мониторингларда жойлардаги айрим мансабдор шахслар томонидан сугорилладиган унмдор ерларнинг фуқароларга ноқонуний равишда бериб юборилиб, суиистеъмолчиликларга йўл қўйилганлик ҳолатлари ҳам аниқланди. Хусусан, Узун туманидаги собиқ "Серҳарат" ширкат ҳўжалиги бошқарув раиси Д.Ҳолматов ўз мансаб вақолатлари доирасидан четга чиқиб, қалбаки ҳўжатларни расмийлаштириб, сугорилладиган пахта ва галла етиштиришга мўлжалланган ер майдонларини фуқароларга қонунга зид равишда уй-жой қуриш учун бериб юбориб, давлат манфаатларига жиддий зиён етказган.

Маҳаллий ҳокимият идораларининг ер ажратишга доир қарорлари ўрганилганда қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Хусусан, туман ҳокимларининг 103 та қонунга зид қарорлари прокурор протестлари асосида бекор қилинган.

Прокурорлар томонидан бу жараёнда фермерларнинг бузилиш ҳуқуқларини тиклаш чоралари кўрилиб, уларга амалий ёрдам кўрсатилмапти. Хусусан, фермер ҳўжалиklarидан 184,2 млн. сўм дебиторлик, 23,6 млн. сўм кредиторлик қарзларни ўндиришда, 311,91 гектар ер, 131 тонна минерал ўғит, 176,8 тонна нефть, 68 дон қишлоқ ҳўжалиги техникалари, 154,5 млн. сўмлик банк кредити, 1 млрд. 826,8 млн. сўмлик иш ҳақлари, 49,8 млн. сўмлик эътиёт қисмлар, 4,6 тонна уруғлик чигит, 6,8 тонна уруғлик бўғдой ва 9,8 тонна омухта ем махсуслотлари қонуний асосда ажратиб бериши таъминланган.

Мамлакатимизда жамият ҳаётининг барча соҳаларини демократлаштириш ва либераллаштиришга йўналтирилган ислохотларни амалга оширишда қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши хал қилувчи аҳамиятга эга. Демак, қонунлар ижроси устидан назорат самарадорлигини ошириш бугунги кўннинг тақдосидир.

Бардавом ислохотлар

Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлигининг муҳим омилидир

Президентимизнинг яқинда бўлиб ўтган 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги "Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади" номли маърузасини катта қизиқиш билан қарши олдик. Унда ўтган йил якунлари тақдирий-таҳлилий жиҳатдан қўриб чиқилиб, жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган саъй-ҳаракатларнинг энг муҳим, устувор йўналишлари белгиланган олинди.

Бугун мамлакатимиз ҳуқуқий-демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш борасида изчил ривожланиб бормоқда. Юртимиздаги тинч ва осойишта ҳаёт, миллатлараро тотувлик, меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик, ижтимоий соҳага бўлган юксак эътибор, инсон ҳуқуқлари устуворлигига таянган одилона сиёсат иқтисодиётимизнинг юқори суръатларда ўсиб боришини таъминламоқда. Юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 2008 йилда 9 фоиз, 2009 йилда 8,1 фоиз, 2010 йилда эса 8,5 фоизни ташкил этгани, бу, жаҳон молия институтларининг хулосасига кўра, дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири экани, кейинги ўн йилда, яъни 2000 йилга нисбатан таққослаганда, 2010 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот қарийб 2 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 1,7 баробар ошгани ҳам шундан далолатдир.

Ўтган йил ҳам иқтисодиётимизда юқори барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб, макрокўрсаткич мутаносиблик сақланиб қолганига натижаасида аҳолининг реал даромадлари 123,5 фоизга ошган. Инфляция даражаси эса, 2009 йилдаги 7,4 фоиз ўрнига 7,3 фоизни ташкил қилгани катъий, шу билан бирга, пухта ўйланган пул-кредит сиёсати ва инкирозга қарши қўрилган самарали чора-тадбирларнинг инъикосидир.

Юртбошимиз маъруза маърузасида юқорида таъкидланганидек, барча соҳа ва тармоқларда амалга оширилётган кенг қўламли ислохотларни атрофлича таҳлил этиб, келуси режаларимизни аниқ-равшан белгилаб олиш масалаларига чуқур тўхталиб ўтди.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, биз ҳозирги глобаллашув шароитида тараққиёт ва юксак техник имкониятлар асрида яшаймиз. Юртимизда шилдаткор юксалиш олимларини ахборот коммуникация технологиялари соҳаси раванқиди ҳам яққол кўриш мумкин. Zero, бутунги тезкор ва ахборот замонада телекоммуникация тизимларининг ўрни беқисс. Ҳаётимизнинг бирор лаҳзасини, жамият раванқини бу соҳасиз тасаввур этиб бўлмайди.

Сир эмаски, телекоммуникация тизимлари ахборотлашган жамиятнинг муҳим бўғинларидан бири ва ахборот тарқатишнинг энг ишончли ҳамда кенг қамровли тармоғидир. Айни пайда инсоният ахборотлаштириш соҳасидаги ҳақиқий инқилобий ўзгаришлар даврини бошидан кечирмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, умумжаҳон ахборотлашган жамиятини шаклландирмоқда. Маъруза янгиланишлар асосини ахборот узатиш ҳамда истеъмолчига етказиб беришнинг энг замонавий ва самарали воситалари ташкил этиди. Zero, XXI аср — ахборотлашган жамият асри, дея эътироф этилаётгани ҳам бежиз эмас.

Ахборот коммуникация технологиялари соҳасини жадал суръатлар билан ривожлантириш Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган тарқибий ўзгаришлар ҳамда иқтисодий ислохотларнинг бош йўналишларидан бири. Чунки, бу йўналиш нафақат республикани ахборотлашган жамиятга айлантириш учун хизмат қилади, балки мамлакатимиз иқтисодиётини жадал суръатлар билан ривожлантиришда ўзинга ҳос етакчи тармоқ ролини ўйнайди. Маълумки, республикамизда замонавий компьютер ва телекоммуникация тизимлари ҳамда технологиялари янада ривожлантиришга юрт муҳим эътибор қаратиб келинмоқда.

Мамлакат мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ Президентимиз: "Бугунги кунда миллий информация тизимини шакллантириш жараёнида интернет ва бо-

Бу йил мамлакатимиз ўз мустақиллигининг 20 йиллигини қарши олади. Тарих учун оний лаҳза ҳисобланган мана шу давр мобайнида барча жаҳўаларда амалга оширилган ва оширилаётган катта ва кенг ҳажмлиги ислохотлар самараси ўлароқ, Ўзбекистон дунёдаги энг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олишга астойдил интиломоқда. Жамият ҳаётини мустаҳкам барқарорлик, демократик ўзгаришлар йўналишига собитқалаамлик, мустақил юртилаётган ички ва ташқи сиёсат, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳуқуқий кафолатлари, энг асосийси, биз танаб олган йўналишдан офиммай, қатъият билан дами олинлаётганимиз эришаётган улкан ютуқларимизнинг асосий омили бўлмақда. Албатта, бутун жаҳон ҳамжамиятини ҳавас қилса арзигулик муваффақиятлар билан ҳайратта солаётган давлатимиз кўлга киритаётган бу натижалар замирида халқимизнинг бунёдкорона меҳнати, изланиш, интилиш, ташаббускорлик, фидоийлик намуналари мужжасам.

шқа глобал ахборот тизимларидан кенг фойдаланиш, айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Бунга эришиш XXI асрда мамлакат тараққиёти учун ҳал қилувчи аҳамият касб этади", дея таъкидлаган эди.

Маърузада акс этган дастурий вазифарлардан келиб чиқиб, мамлакатимизда компьютер ва ахборот технологиялари, телекоммуникация ва маълумот узатиш тармоқларини, интернет хизматларини ривожлантириш ва замонавийлаштириш ҳамда жаҳон стандартларига етказиш мақсадида кенг қўламли ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Хусусан, ана шу ислохотларни давом эттириш мақсадида, 2011 йилда ҳам замонавий кенг форматли ва оптик технологияларини жорий этиш асосида телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва модернизация қилиш, 950 километрдан ортқ оптик толали алоқа тармоғини фойдаланишга топшириш, вилоятлар марказларида маълумотлар узатишнинг транспорт тармоғини кенгайтиришни таъминлаш вазифарси кўйилмоқда.

Кўзда тутилган ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобидан интернетнинг халқроқ тармоқларига чиқиш имкониятлари тезлигини 4 баробар ошириш, турғун стационар алоқа орқали интернетдан фойдаланувчилар сонини 3 миллиондан 3,5 миллион нафарга кўпайтириш, кенг форматли телекоммуникация тармоқларидан фойдаланувчилар сонини эса икки баробар ошириб, 100 мингтага етказиш лозимлигига ургу берилди.

Маълумки, мамлакатимизда иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш ва тадбиркорлик учун барча қулай шарт-шароитларни яратиш ҳамда биринчи даражали устувор яратиб вазифар бўлиб келган.

Президентимизнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мавзусидаги маърузасида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, демократик бозор ислохотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш йўналишларида амалга оширилиши зарур бўлган муҳим стратегик вазифар белгилаб берилганди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимда "Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш — тараққиётимизнинг муҳим омилидир" мавзусидаги маърузада эса, амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни янада тақомиллаштириш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирлар узвий давом эттирилиши таъкидланиб, Юртбошимиз томонидан 2011 йил "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик" йили деб эълон қилинди.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида ҳаётимизда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг аҳамияти ҳақда тўхталиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик халқимиз учун янги иш ўринларини очиб, барқарор даромад манбаларини яратишнинг энг муҳим омилга айланаётганини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, ҳозирги кунда мамлакатимиздаги иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан ортиги айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани, энг муҳими, бу иш ўринларининг 60 фоиздан ортиги қишлоқларда ташкил этилгани айтиб ўтилган эди.

Ушбу эзу мақсадли амалга оширишда фаоллик кўрсатиш, қишлоқларимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан қўшимча иш

ўринларини яратиш ва шу орқали аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш кўзда тутилган. Бунди республикамизда 2010 йилнинг ўзида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 480 мингта янги иш ўрни яратилгани ҳам яққол тасдиқлаб турибди.

Президентимизнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида кейинги йилларда республикамизда ушбу соҳа ривожини учун қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш ва уни ривожлантиришни рағбатлантириш, шунингдек, солиқ сиёсатини янада либераллаштириш, жумладан, солиқ юқини камайитириш, солиқларни унификация қилиш ва солиққа тортиш тартибини соддалаштириш, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият юритишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасида улкан саъй-ҳаракатлар амалга оширилди.

Хусусан, бу борадаги чора-тадбирлар кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2009 йилдаги 50,1 фоиздан 52,5 фоизга, аҳолининг реал пул даромадлари эса 23,5 фоизга ўсишига олиб келганлиги фикримиз тасдиғидир.

Сир эмаски, бугунги кунда ўзининг қадр-қиммати, гурур ва ифтихорини сақлаб, ўз кучи ва қудратига ишонган, ўз меҳнати ва ақл-заковати билан келажагини барпо этиш, ўз сарфаларини хавфсизлигини ҳимоялашга қодир бўлган давлат ва жамиятининг дунё аҳли тин олади ва ҳурмат қилади. Биз ўз олимизга қўйган ана шундай юксак мақсад-муддояларни амалга оширишда, аввало, маънан ва жиёмонан баркамол, замонавий билим ва тараққиёт ютуқларини пухта эгаллаган, иродали бакуват камил шахсни ҳал қилувчи куч сифатида кўрмоқдамиз. Шу мақсад, ўтган 2010 йилга "Баркамол авлод йили" деб ном берилиши, ҳаётга кириб келётган навқирон фарзандларимизнинг илм ва таҳриба эгаллаши, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топиши учун ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, буларнинг бари, ҳеч шубҳасиз, биз қўраётган янги ҳаёт тарзининг илдизларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоғи муқаррар.

Маъруза жиҳат, аввал бошданқ давлат сиёсатининг диққат марказида бўлганлигини таъкидлаш ўрилли. "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, "Қадрлар тайёрлаш Миллий Дастури", мактаблар, коллеж, лицейларнинг замонавий ва миллий меъморийлик услубида қад қўтарилиши, уларнинг давр талабларига ҳамоҳанг равишда жиҳозланиши, қўбиллат, истеъдод, иқтидор куртақларини топиб парвартириш, ривожлантириш истағидаги "Келажак овози", "Ниҳол" қўриқ-танловлари, Зулфиннинг ёш ворисларини кашф этиш ва ҳоказо бошқа ислохотлар ёш авлодга бўлган чексиз ғамхўрлик намуналарининг амалдаги намоеъидир.

Чиндан ҳам, келажакда қудратли ва буёқ давлат қуриши мақсад қилган мамлакатимизда ёш авлод камолига ҳар жиҳатдан юксак эътибор қаратилмоқда. Истиқболнинг дастлабки дамидадан бошлаб, уларнинг таълим-тарбияси, етуқ камолни йўлида амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақиятли тарзда ҳаётга таътиб этиб борилаётгани ва бу ислохотлар янгида-янги мазмун-моҳият билан бойитилган ҳолда давом эттирилаётгани фикримизга далил бўла олади.

Таъкидлаш зарурки, мамлакатимиз саволхонлиги борасида дунёнинг етакчи давлатларидан бири ҳисобланади. Уқувчи ёшдаги болаларнинг 100 фоизи мактабларга жалб этилган. Дунёнинг ривожланган мамлакатлари ҳам юртимизнинг таълим тизимидagi муваффақиятларига ҳавас қилса ар-

Шухрат ДЕҲҚОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчилик палатаси
депутати

зйиди. Барча болалар учун умумий бошланғич таълим олиш имконияти тўла яратилган экан, БМТнинг Мингйиллик Ривожланиш Мақсадлари доирасидаги вазифарлар юзасидан юртимизда асосий эътибор бошланғич таълим сифати ва самардорлигини оширишга қаратилган.

Шу мақсад йўлида "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида мамлакатда соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш учун зарур имкониятлар ва шарт-шароитларни яратиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларни молиялаштиришга барча манбалар ҳисобидан 8 триллион сўм ва 165 миллион АҚШ долларидан ортқ маблағ йўналтирилди.

Республика иқтисодиётининг барқарор фаолият кўрсатиши, унинг юқори суръатларда ўсишининг узоқ муддатли тенденциялари сақланаётганлиги, барқарор ва ишончли банк-молия тизими, муваффақиятли тарқибий ўзгаришлар дунё ҳамжамияти томонидан кенг маъқулланаётганлиги ҳамда нуфузли халқроқ молия ташкилотлари ва рейтинг агентликлари томонидан эътироф этилганлигини ҳам алоҳида эътироф этмоқ даркор.

Мамлакатини тудбан ислох қилиш, модернизациялаш, унинг ривожланган демократик, раванқ топган мамлакатлар қаторига киришини таъминлаш, жаҳон бозорларида Ўзбекистон маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш ва ўрнини мустаҳкамлаш, аҳоли даромадлари, турмуш даражаси ҳамда сифатини изчил ошириш йўлида мақсадли, қатъият билан олга интилтиш зарурлигига эътибор қаратган Президентимиз, ўз навбатида, ҳал этилмаган мавжуд муаммоларни батафсил таҳлил қилиб, жорий йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим, устувор йўналишларини бажаришга қаратилган дастурий вазифарларни белгилаб берди.

Оқордашлардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, мамлакатимизда халқнинг хоши-иродали давлат сиёсатини белгилаб бериши, инсон ва жамиятнинг фаровонлигини, фуқароларнинг муносиб турмуш тарзини таъминлаш устувор мақсад эканлигини кўрсатади. Маъруза ислохотларнинг муваффақиятли, авваламбор, мамлакатимизни янада демократлаштириш ва либераллаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз суръатига, фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятининг юксалишига бевосита бөлғидир.

Бу улватор ниятларнинг рўбёга чиқишида, биринчи навбатда, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари биринчи даражага қўйилган қонунларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга таътиб этиш, юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, Президентимиз томонидан 2010 йил 12 ноябр кунин Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этилган Концепцияда давлат аҳамиятга муҳим вазифарларни ҳал этишда бир нечта йўналишлар бўйича бир қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди. 2010 йил охирида парламент Қўйи палатасининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мавзусида қилган маърузасида баён этилган қонунларни амалга ошириш юзасидан 2011 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури" қабул қилинди. Ушбу дастур асосида фаолиятларини давом эттираётган депутатлар ҳам зиммаларинидаги масъулиятни янада тарах етқан ҳолда, Ватан раванқи, юрт тараққиёти, халқимиз тинчилиги ва осойишталиги, мамлакатимиз хавфсизлиги йўлида амалга оширилаётган залворли ислохотларга дахлдорлик туйғуси ил ҳажмхатлик ва фаоллик билан қонун илдорлигини йўлида изчил давом этаверилдор.

Қанча кутиш керак?

Мен шу йилнинг 15 январида бир идорага шахсий масала бўйича ариза билан мурожаат қилган эдим. Лекин шу кунгача жавоб беришмапти. Қачон сўрасам, жавоб беримиз дейишдан нарига ўтишмапти. Уларнинг қилаётган иши қонунга тўғри келадими? Қачонгача кутаман?

Комила Шомаксудова,
Тошкент шахри

"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 18-моддаси талаби бўйича ариза ёки шикоятлар масалани мохиятан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб этмайдиган ариза ёки шикоятлар эса ўн беш кундан кечиктирмай кўриб чиқилади.

Ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материаллар талаб қилиб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш муддати тегишли давлат органининг раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин ва бу ҳақда ариза ёки шикоят берган шахсга маълум қилинади.

Бундан ташқари, мазкур қонуннинг 21-моддасига кўра, ариза ёки шикоят юзасидан қарор қабул қилган давлат органининг мансабдор шахси, агар фуқаро қарорга рози бўлмаса, унга қабул қилинган қарор устидан шикоят бериш тартибини тушунтириш шарт.

Сиз қилган мурожаатингизга белгиланган муддатда ва тартибда жавоб берилмаганлиги юзасидан юқори турувчи органга ёки судга мурожаат этишга ҳақлисиз.

Мен ўтган йили ишга кирган эдим. Бошқа жойга кўчиб кетмоқчилигим сабабли меҳнат шартномасини бир йил муддатга туздим. Аммо оилавий шароитим ўзгариб, кетмайдиган бўлдим. Бу орада шартноманинг тугаш муддати ҳам яқинлашиб қолади. Лекин мен ҳеч нима демаганим сабабли корхона директори ҳам уни бекор қилишни айтмади ва йил тугаса ҳам шартнома бекор қилинмади. Қонун бўйича энди нима бўлади?

Шаҳқиддин Нaimов, Самарқанд шахри

Нима бўлади?

Меҳнат кодексининг 105-моддаси талабига кўра, муддатли меҳнат шартномаси муддати тугаши билан бекор қилиниши лозим. Агар муддат тугагандан кейин ҳам меҳнатга оид муносабатлар давом этаверса ва тарафлардан бирортаси бир ҳафта давомида унинг бекор қилинишни талаб қилмаган бўлса, шартнома номуайин муддатга узайтирилган деб ҳисобланади. Лекин бу меҳнат шартномасини кейинчалик бекор қилиб бўлмаслигини билдирмайди. Сабаби, бундай ҳолларда меҳнат шартномасини МКнинг 97-моддасида кўрсатилган тартибга мувофиқ бекор қилиш мумкин. Яъни:

- тарафларнинг келишувига кўра. Бу асосга кўра, меҳнат шартномасининг барча турлари исталган вақтда бекор қилиниши мумкин;
- тарафлардан бирининг ташаббуси билан;
- тарафларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра.



Мерос ҳисобидан қопланади

Биз оилада икки фарзандимиз. Иккимиз ҳам Ўзбекистонда туғилиб ўсганимиз. Синглим турмушга чиққанидан сўнг бошқа давлатга кўчиб кетди. Тошкентда отамиз қолган эди. 2010 йилнинг ноябрда отам вафот этди. Биз бу ҳақда кеч эшитганимиз учун дафн маросимига ўз вақтда етиб келолмадик. Шунинг учун дафн этиш билан боғлиқ бўлган бутун харажатларни эски бир танишимиз кўтарибди. Бундан ташқари, отамиз ҳаётлик даврида бу оламан бошқа нарсаларга ҳам қарздор бўлиб қолган экан. Аксига олиб, бизда ҳозирча моддий қийинчилик юзага келган. Саволим шундайки, отамиз учун ўша олам томонидан қилинган барча харажатлар отамдан қолган мулк ҳисобидан қопланса бўладими?

Альбина Караева,
Зангиота тумани

Бўлади. Бу амалдаги Фуқаролик кодексининг 1155-моддасига мувофиқ келади. Яъни, мазкур моддада айтилишича, мерос ворислар ўртасида тақсимланишидан олдин мерос қолдирувчининг вафоти олдида унинг ҳасталиги туфайли қилинган зарур харажатлар, мерос қолдирувчини дафн этиш харажатлари, меросни эгаллаш, муҳофаза қилиш, бошқариш ва васиятномани ижро этиш, шунингдек, васиятномани ижро этувчи ёки меросни бошқарувчига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш тўғрисидаги талаблар мерос ҳисобидан қондирилиши лозим. Бу талаблар мерос қиймати ҳисобидан бошқа барча талаблардан, шў жумладан, ипотека ёки бошқа гаров билан таъминланган талаблардан олдин имтиёзли равишда қондирилади.

"Барча фуқаролар оилавий муносабатларда тене ҳуқуқларга эгадирлар. Никоҳ тузиш чоғида жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи ҳамда бошқа ҳолатларга қараб, ҳуқуқларни муайян тарзда бевосита ёки бивосита чеклаш, бевосита ёки бивосита афзалликлар белгилашга ҳамда оилавий муносабатларга аралашшига йўл қўйилмайди.

Оилавий муносабатларда фуқароларнинг ҳуқуқлари фақат қонунга асосан ва фақат оиладаги бошқа аъзоларини ҳамда ўзга фуқароларнинг ахлоқ, шаъни, қадр-қиммати, соғлиги, ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқладиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида зарур меъёрагина чекланиши мумкин".

(Оила кодексининг 3-моддаси)

Ҳужжат йўқолса...

Мен зарурат туфайли меҳнат дафтарчадан нусха олиш мақсадида уни иш жойимдаги кадрлар бўлимидан олиб, нусха кўчираганим жойга борганимча қардашлар тушириб қўйибман. Агар дафтарча топилмаса, менга янгиши берилгани ёки йўқми? Агар янги меҳнат дафтарча оламан бўлсам, олдинги иш жойларимни ўша ташкилотлардан қайтадан тўлдириб чиқишим керак бўладими? Бу ташкилотлар тугатилган бўлса-чи?

Зокиржон Умаров,
Янгибозор тумани

Бундай ҳолатларда сиз бу тўғрида зудлик билан охириги иш жойингизга ёзма равишда хабар беришингиз лозим. Хабарномадан сўнг 15 кундан кечиктирмасдан иш беворчи ходимга биринчи бетини юқори қисмининг ўнг томонига "Дубликат" деб ёзилган ҳолда янги меҳнат дафтарчаси беради.

Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома талабларига мувофиқ, меҳнат дафтарчасининг дубликати умумий қодаларга биноан тўлдирилади. Меҳнат дафтарчасининг дубликати тўлдирилганда "Иши тўғрисидаги маълумотлар" бўлимида охириги иш жойидаги иши тўғрисидаги маълумотлар илгариги буйруқлар асосида ёзилади. Борди-ю, ходим мазкур корхонага ишга кирмасдан олдин ишчи ёки хизматчи вазифасида ишлаган бўлса, унда меҳнат дафтарчаси дубликати "Иши тўғрисидаги маълумотлар" бўлимининг 3-устунига, мазкур корхонага ишга келмасдан илгариги ишлагани тўғрисидаги ҳужжатлар билан тасдиқланган умумий иш стажига ёзилади.

Меҳнат дафтарчаси эгасининг олдинги умумий иш стажига жамланиб, яъни қайси корхонада, қайси даврда ва қайси лавозимларда ишлаган йиллари, ойлари ва кунлари умумий тарзда ёзилади. Масалан: бир иш жойида бошқа ишга ўтказилгани ва бошқалар кўрсатилмайди.

Кейинги пайтларда шахримизда кенг қамровли қурилиш ишлари олиб борилапти. Шаҳар қиёфаси ҳам ўзгариб бормоқда. Аммо бу орада айрим фуқаролар қурган уйларнинг бир қисми бузиб ташланмоқда. Ҳокимият вакиллари бунинг сабабини уйнинг ўзбошимчалик билан қурилганида, деб кўрсатишмоқда. Айтинг-чи, аслида қандай уйлар ўзбошимчалик билан қурилган деб ҳисобланади? Бундай уйларнинг тақдирини ҳал қилиш тартиби қонун бўйича қандай белгиланган?

Шоимардон Тўраев, Тошкент шахри

Бу қандай уй?

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда турар жой қуриш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида қурилган ҳамда бунга зарур рухсатнома олмагандан ғўҳд шахарсозлик нормалари ва қодалари жиддий равишда бузилган ҳолда тикланган уй-жойлар, бошқа иморатлар ва иншоотлар ёки бошқа кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган, деб ҳисобланади.

Ўзбошимчалик билан қуриш аниқланган тақдирда туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш органларининг мансабдор шахслари томонидан ўзбошимчалик билан қуриш ҳолати тўғрисида далолатнома тузилади.

Далолатнома тузилиши билан бир вақтда туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш органларининг мансабдор шахслари томонидан ўзбошимчалик билан қурилатган қурилишни тўхтатиш тўғрисида кўрсатма берилади. Кўрсатманинг нуҳсаси ўзбошимчалик билан тикланган иморат тўғрисидаги масалани кейинчалик белгиланган тартибда ҳал этиш учун туман (шаҳар) ҳокимлигига тақдим этилади.

Ҳуқуқи бузилган шахснинг ғўҳд тегишли давлат органининг даъвоси бўйича ўзбошимчалик билан қурилган иморат суднинг қарорига кўра, уни қурган шахс томонидан ғўҳд унинг ҳисобидан бузиб ташланади.

Пули тўланмаганда...

Бир ўртоғим эҳтиётсизлик туфайли жиноят содир этгани. Суд унинг қилиши ва шахсини инобатга олиб, жарима жазосини белгиланган эди. Лекин ўртоғим пули йўқлиги учун жаримани тўлагани йўқ. Айтинг-чи, агар бундай ҳол давом этаверса, ўртоғимга ҳеч нима қилмайми?

Жабборали Уктамов, Асака тумани

Жиноят кодексининг 44-моддаси талабига мувофиқ, агар ҳукм қилинган шахс жазо тариқасида тайинланган жаримани мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатларда тўлашдан бўйин товласа ғўҳд қарздорда ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк мавжуд эмаслиги туфайли мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддат мобайнида жаримани ундиришнинг имкони бўлмаса, ҳудди шунингдек, кечиктириш муддати тугаганидан кейин жарима тўланмаган ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари бузилган тақдирда, суд жариманинг тўланмаган миқдорини ахлоқ тузаатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Бундай ҳолда ахлоқ тузаатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклаш ғўҳд озодликдан маҳрум қилишнинг ҳар бир ойи энг кам ойлик иш ҳақининг ўн олти баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга, қамонинг ҳар бир ойи эса, энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, олти ойдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради. Саволларингизни «Huquq» газетасининг «info@huquq-gazeta.uz» электрон почтаси орқали юборишингиз ёки

(8-371) 233-26-62 телефони орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Саволларга ҳуқуқшунос
Дониёр ХАЛИЛОВ
жавоб бери

Тўғри йўлдан адашганлар

Севимли ёзувчимисиз Шукур Холмурзаевнинг "Ўзбек характери" деган ҳикояси бор. Талабалар ҳаёти ҳақидаги бу ҳикояда халқимизга хос тантиник, меҳмондўстлик, меҳр-оқибат моҳирона очиб берилган. Ҳайлашми, у немис, инглиз ё француз тилига таржима қилинса, европалик ўқувчиларнинг ўзбеклар ҳақидаги тасаввурини анча бойитган бўлур эди. Аммо кўнгила "Улар халқимизнинг ушбу фазилатларини тўлиқ англай оладиларми?" деган ҳақик ҳам йўқ эмас. Чунки юксак даражада шивилизациёлашган немис, инглиз ё француз жамиятида кўни-қўшинни танимаслиги, меҳмондўстлик, бировга бегараз ёрдам бериш каби тушунчалар тобора унутилиб берилаётгани ҳақида матбуотда кўп ўқингиз. Иккинчидан, Иккинчи жаҳон уруши йилларида кўпал етим болаларни асраб олган ўзбек оилалари шайнига айрим хорижий насларда ноҳўя гаплар айтилгани, туҳмат, иғво тарқатилганлиги ҳамон ёдимизда. Бир сўз билан айтганда, миллатни миллат қиладиган, фақат унгагина хос бўлган хусусиятларни теран англаш учун кенг феъа, катта қалб билан ўзбеклар орасида бир-икки йил яшаб кўриш керак. Шуқри, истиқлолга эришганимиздан сўнг кўпгина миллий қадриятларимиз янада кенгроқ қўлоч ёйди.

Халқимиз азалдан яхши қўшнчилик, яхши-ёмон кўнда дўстларни қўллаш, муҳтожларга ёрдамлашиш, каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўлиш каби анъаналарга риоя қилиб келмоқда. Уларни бир-бир санаб адоғига етиш қийин. Булар жамиятнинг гуллаб-яшнашига, давлатнинг тараққий этишига хизмат қилувчи фазилатлардир. Бироқ инсоннинг тубнашлувида, жамиятнинг таназулига сабаб бўлувчи иллатлар ҳам бор. Ёлғончилик, текинхўрлик, шаробхўрлик, порохўрлик шулар жумласидандир.

Порахўрлик, коррупция жамиятнинг маънавияти асосларини ичдан ёмрадорлик, давлатнинг барқарорлигига жиддий хавф соладиган жиноятлардандир. Шу боис ақсарий мамлакатларда ушбу жиноятни содир этганлар қаттиқ жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига (210-211-212-моддалари) мазкур жиноятлар учун энг кам иш ҳақининг эллик баробаридан юз баробаригача миқдорда жазима ёки 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазолари назарда тутилган. Юртимизда ушбу жиноятга барҳам бериш ва унинг олдини олиш борасида кенг қўлланли ишлар амалга оширилаётган бир пайтда орамизда биронинг ҳақидан ҳазар қилмай, пора олиш, пора беришни, ўртада воситачилик қилишни қатъи қосиб олганлар ҳам учраб турибди.

Мамлакатимизда 2011 йил Президентимиз томонидан "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниб, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўлланли ишлар амалга оширилаётганлигига қарамой, ўз хизмат вазирасини виждонан бажармасдан, тамагирлик, порохўрлик орқали тадбиркорларнинг йўлига тўғанок бўлаётганларнинг учраб туриши айниқса ачинарлидир. Мисол учун, Хўжайли тумани ҳокимининг иктисодиёт ва ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Сапарбой Собировнинг хатти-ҳаракатини олайлик. "Уд-дабурон йигит" ишни ўз фойдасини қўзлаган ҳолда бошламоқчи бўлди. Бунга қаранглик, қонуний равишда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланган келаётган "Зийба-Нукус" МЧЖ раҳбари Гулбахор Хўжамуратованинг мушуқлини осон қилиш учун 100 минг сўм "қўл ҳақи" сўрайди. Буни эса ҳокимият бош мухтаassis Гулмурат Уразимбетовадан бериб юборишни айтади. Шу тариха ҳоким ўринбосари ўзининг сувдан қуруқ чиқибди. Аммо С.Собиров сувдан қуруқ чиқа олмайди...

1962 йил 20 майда Қонлиқўл туманида туғилган Сейтов Сарсенбай туманда ер тузиш ва кўчас мулк кадастри хизмати бошлиғи лавозимида ишлаб юриб, хизмат инсабидан фой-

даланган ҳолда Қонлиқўл тумани Бўстон ОФИда яшовчи фуқаро Турсунбой Тожимуратовдан уй-жойнинг кадастр ҳужжатларини тайёрлаб бериш учун 200 минг сўм пора талаб қилган. С.Сейтов шу пулни фуқаро Т.Тожимуратовдан олаётган пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан қўлга олинди ва ЖКнинг 210-моддаси 2-қисми "в" банди билан жиноий жавобгарликка тортилди.

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган "Баркамол авлод йили" Давлат дастури асосида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг иждоий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, эртанги кун ворисларини ҳар томонлама қомил шахслар эғиб воғга етказиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Юртимизда таълим тизимига жуда катта эғибор қаратилаётганлиги ҳам бунга аққол "нисолдир. Бундан қўзланган мақсад жисмонан соғлом, бой маънавиятга эга, билимдон, яъни ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаб воғга етказишдир. Чунки мамлакатимиз келажаги бугун қандай авлодни тарбиялаётганимизга боғлиқ. Юртобчимиз "Юксак маънавият — энгилмас куч" номли асарига "Шуни унутмаслигимиз кераки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги кун қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ. Фарзандларимизни муқтақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган қомил инсонлар эғиб воғга етказиш таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим" дея таъкидлаган.

Бу ўз навбатида таълим-тарбия билан шуғулланувчи ўқитувчи-муаллимлар зиммасига катта масъулият ўқлайди. Негаки, эртанги кун эгаларининг қомил инсон бўлиб воғга етишида уларнинг ҳиссаси бекиёс. Аммо тарбиячининг ўзи биронинг ҳақидан ҳазар қилмайдиган бўлса-чи? Бундайларнинг таълим тизимига ишлашга маънавий ҳаққи борми?

Бекмурат Жуманазаров 2009 йил декабрь ойидан Тахитохт ижтимоий-иқтисодиёт ва педагогика коллежида директорлик вазифаси билан шуғулланувчи бўлиб таълим ишлари бўйича ўринбосари лавозимида вақтинча ишлаб келаётганди. Шайтон йўлдан урдими, ўтган йил июль ойининг охирида Нукус шаҳар Фитрат кўчаси 4-уйда яшовчи Серик Ерпановга "Ишга кириш учун Темурбек Калмебековнинг айтган пулини олиб келдингми, агар 500 минг сўм олиб келмасанг, ишга кира олмайсан" деб тамагирлик қилиб, С.Ерпановдан пул талаб қилган. "Кўза кунда эмас, кунда синади" деган-

ларидек, Т.Жуманазаров ўз хизмати Хонасида С.Ерпановдан 500 минг сўм пулни пора тариқасида олган вақтида ушланди.

Худди шунга ўхшаш ҳолат Хўжайли туманидаги педагогика коллежида кадрлар бўлими инспектори бўлиб ишловчи Дилбар Каскенова фаолиятида ҳам содир этилди. У хизмат вазирасидан фойдаланган ҳолда 2010 йил 1 июль кунги ўқишга кириш учун келган Руслан Уразимовдан 500 минг сўм олиб келсанг, ўқишга киришти қўяман, деб ундан пул талаб қилган. Шундай қилиб, ўтган йил 8 июль кунги Руслан инспекторга 100 минг сўм олдиндан беради. 2010 йил 9 июль кунги эса коллежининг қабул қилиш хонасида Д.Каскенова фуқаро Р.Уразимовдан яна 300 минг сўм пулни олган пайтда қўлга олинди. Порахўр жиноятчилар ЖКнинг тегишли моддалари билан жазога тортилди.

Содир этилган жиноятлар таҳлилига эғибор қаратсангиз, ақсарий жиноятчилар, "Қонун талабини билмас эканман, адашиб бу йўлга кирдим", дея ўзларини оқлашга ҳаракат қилганлигининг гувоҳи бўласиз. Аммо касби, вазифаси қонунийлиги таъминлаш бўлган шахсларнинг

Салом САМАДОВ,

Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ўринбосари Нуриддин ОКНАЗАРОВ, "Huquq"

ўзи пора олса, бунга нима дейсиз?

Тўрткўл туман ички ишлар бўлими профилактика инспектори Руслан Холмуратов тақир ердан чанг чиқарадиганлар тоифасидан бўлди. Ўзи хизмат қилаётган участкада яшовчи, жанжаллашиб қолган икки фуқарони яраштириш, қелиштириш ўрнига тескарисини қилди. Тан жароҳати олган фуқаро Д.Бобожоновга ўзининг тушунтириш хатида қўл телефонини кўрсатмаслиқни айтди. Бўлган иш ими-жимиде тинчигандай эди... Лекин профилактика инспекторимиз тинчимайди. У қандай бўлмасин қўлидаги ишдан бирон нима ундиршининг ташвишига тушди. Юқоридаги ишга алоқадор фуқаро Жасурбек Аевзовни ёнига чақирди. Хе йўқ, бе йўқ, Жасурбекка дағдага қилиб: "Сен Донийрнинг қўл телефонини уриб олгансан", дейди. Жасурбек ҳар қанча уринмасин, инспектор бу гапларга "ишонмади". Луқма тайёр эканлигини англаган Р.Холмуратов муддаого ўтди. "Эртанга 200 минг олиб келсанг, ишни тинчिताман, йўқ десанг, ўзингдан кўр".

Айбисиз айбдор Жасур инспекторнинг тақлифига рози бўлди. 200 минг сўм пул ҳам топилиди, бироқ бу пуллари инспекторимиз жигилдонидан ўтказа олмайди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари бу нопоқ шахсни қўлга олишди.

Тўрткўллик Расул Холмуратовнинг шуманайлик ҳамкасби участка профилактика инспек-

тори лейтенант Азат Қадиримбетов ҳам пора олиш йўлига тушди. Жанжаллашиб қолган икки ўртоқ Т.Абатов ва М.Бекниязовлар устидан иш қўзғатиб, пашшадан фил ясади ва ўз шартини қўйди: "30 минг сўм пул олиб келсангиз, ишингиз судга ўтмайди. — Рози бўлмасангиз, ўзингиз биласиз", — дейди. Улар бу тақлифга қўнишади. 30 минг сўм пулни чўнтакка ураётган лейтенант шу жойнинг эғида қўлга тушди.

Маълумки, божоналар юртимизнинг дарвозаси ҳисобланади. Ким келди, ким кетаяпти, булар уларнинг ўқир нигоҳидан четда қолмаслиги керак. Меҳмонлар қандай юк, қандай ният билан кириб ва чиқиб кетаяпти — булар ҳам божонаниларнинг диққатида туриши лозим. Қорақалпоғистондаги "Довуд ота" божхона пости ходими, кичик инспектор кинолоғи Самат Берданов юқоридаги қоидаларни билмайди эмас, билади.

Нафс ўлгур баъзан бунга йўл қўймайди. "Нима бўпти, икки-учта юк машинаси кўриқдан ўтмаса. Осмон узилиб ерга тушармиди?", деган ўй-хаёлларга берилди Самат. "Бир-икки сўм чўн-чақа ишлайман-да".

...Қўларнинг бирода Россия Федерацияси Челябинск вилоятидан келаётган юк машинаси божхона постига яқинлашди. Одатдагидек, Самат ўзини таништирди. Юк автомашинаси хайдовчиси С.Сулайманов билан ҳам танишди. Қўссандан хисса шуки, иккаласи "тил" топишди. "Меҳмон" агар Самат автомашинаси божхона пости кўриқидан ўтказмаса, унга нақд 9000 Россия рублини тақлиф этди. Пул эса Нукус шаҳрида берилаётганини айтди. Пул ҳам берилди, аммо бу пул Саматга насиб этмади...

Юқорида келтирилган барча ҳолатлар бўйича жиноят ишлари қўзғатилиб, жазо муқарраллиги таъминланди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ким бўлишимиздан, қайси вазифада ишлашимиздан қатъи назар ўзлгимизга, виджонимизга хиёнат қилмасак, шу Ватан, шу халқ равнақига хизмат қилган бўлаимиз.

Прокуратура органлари томонидан 2009-2010 йиллар давомида умумтаълим мактабларининг ўрта маълумот ҳақидаги шаҳодатномалари қалбакилаштирилганлиги юзасидан аниқлаган ҳолатлар ўрганиб чиқилиб, таҳлил қилинди. Текшириш натижалари бу борадаги қонун ҳужжатларининг ижроси талаб даражасида таъкил этилмаганлигини, иловарий таъсирчан назорат ўрнатилмаганлиги оқибатида бепарволик ва масъулиятсизлик муҳити вужудга келганлигини, воғга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ҳамма ҳуқуқат қарорлари аниқ ва бир хилда бажарилиши таъминланмаётганини кўрсатди.

Қалбаки шаҳодатномалар

2010 йил давомида 39 нафар шахс олий ўқув юртиларига ўқишга киришда қалбаки шаҳодатномаларни тақдим этиб, уларнинг 37 нафари шартнома асосида ва 2 нафари грант асосида олий ўқув юртиларига ўқишга қабул қилинган. Мисол учун, И. исмли шахс 23-сонли умумтаълим мактабнинг 10-синфига ўқиб туриб, 2008-2009 ўқув йилида 17-сонли умумтаълим мактаб томонидан берилган қалбаки шаҳодатномани олий ўқув юртига тақдим этиб, контракт асосида талабалikka қабул қилинган. Мазкур ҳолат юзасидан унга нисбатан ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми "б" банди билан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ИИБ томонидан олиб борилган ва жиноят иши айблов хулосаси билан суд муҳокамасига юборилган.

2010 йилнинг қўрсатилган даврида мазкур тоифадаги жиноят ишлари бўйича жавобгарликка тортилганлар орасида умумтаълим мактабларининг 5 нафар мансабдор шахсларининг ҳам борлиги ачинарлидир. Мисол учун, Н. исмли шахс 2006 йил июнь ойига қадар 29-умумтаълим мактабига ўқиб келиб, мазкур мактабнинг 9-синфини тамомлагач, мактаб директори бўлган тоғасидан 11-синфни тамомлаганилик ва ўрта маълумот тўғрисида қалбаки шаҳодатнома тайёрлаб беришни сўраган.

Мактаб директори — фуқаро У. жияни 10- ва 11-синф ўқув дастурларини ўзлаштирмаган бўлса-да, мактабнинг маньявяти ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари, 2005-2006 ўқув йилида 10-11-синф ўқувчиларининг синф раҳбари бўлган З. исмли шахс билан олдиндан жиноий тил бириктиради. У 11-синф битирув-

чиси Б. исмли шахснинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланган манфаатларига жиддий эғиб етказиб, унга таълим муассасасини тамомланганлиги тўғрисида шаҳодатнома эғиб бермасдан, 2005-2006 ўқув йили учун ўртирилган "Шаҳодатномаларни ҳисобга олиш" китобидаги ёзувларни қалбакилаштирган ҳамда туман ҳалқ таълими бўлимига барча шаҳодатнома бланкалари битирувчиларга тўлиқ тақтилганлиги ҳақида ҳисобот топширган. 2007 йилнинг июнь ойида "Шаҳодатномаларни ҳисобга олиш" китобида Б. исмли шахснинг номига расмийлаштирилган ОП-СН 0226698 серияли шаҳодатнома бланкасига сохта маълумотлар киритиб, ўзи ва синф раҳбари имзо қўйишади. Сўнгра ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарининг имзосини қалбакилаштириб, шаҳодатномага мактаб муассасасининг герби муҳрири босиб, Н. исмли шахсга бериб берибди.

Н. исмли шахс эса ушбу шаҳодатноманинг қалбаки эканлигини била туриб, 2008 йил август ойида олий ўқув юртига ҳужжатларини топшириб, уни-верситетнинг 1-курсига грант асосида қабул қилинди ва 2010 йилнинг 12 июлига қадар тақлиф олиб келган. Мазкур ҳолат юзасидан Н. исмли шахсга нисбатан ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми ва 228-моддаси 3-қисми билан айблов эълон қилинган. Бу ишда айбдор бўлган шахсларнинг қилмишлари қонуний ҳал этилди.

И.АЧИЛОВ,

Бош прокуратура бошқарма бошлиғи

Барча ислохотлар халқ фаровонлигига хизмат қилади

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш муаммосини ҳал этиш 2011 йил ва яқин истиқболда мамлакатимизни муваффақиятли ва барқарор ривожлантиришнинг алоҳида устувор йўналиши ва ҳеч муболағасиз энг муҳим шартилар.

Ислом Каримов

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда аҳолини иш билан таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади.

2008 йилнинг охиридан бошланиб, ҳозирги кунда ҳам салбий оқибатлари натижасида кўпбал давлатларга ташвиш туғдирётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози узининг таъсирини сездирмай кўймапти. Юртбошимиз Ислом Каримов узининг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни барқарор этиш йўллари" номи асарида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатида дунёнинг кўпбал мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жиддий иқтисодий талафотлар содир бўлиши мумкинлиги тўғрисида фикр юртади. Дунёдаги баъзи давлатларнинг вакиллари жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг ҳавфи даражаси ортда қолганлигини қайди айтган бўлишса-да, айрим давлатларда кузатилаётган иқтисодий танглик ҳолатлари, инқироз билан боғлиқ янги муаммоларнинг юзага келаятигани бу фикрларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлаб турибди.

Ҳозирги кунда кўпбал давлатларда юзага келган биргина ишсизлик муаммоси мазкур фикрнинг нақадар ҳаққоний ва тўғриллигини исботлайди. Шу боис жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон шароитида бартафат этиш чоралари тизимида аҳолини иш билан таъминлаш масаласи муҳим ўрин тутади.

Маълумки, мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида узоқни кўзлаган изчил иқтисодий сиёсат олиб борилмоқда. Дунё миқёсида ҳам алоҳида эътибор этилаётган тараққийнинг "ўзбек модели" нақадар тўғри ва пухта эканлиги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида яна бир қарра ўз исботини топди. Ана шу асосда ҳозирги кунда жамиятни эркинлаштириш ва мамлакатни модернизация қилиш билан боғлиқ жараёнлар қатъий ва изчил тус олди. Бундай танланган сиёсатнинг энг устувор йўналиши, биринчи навбатда аҳоли бандлигига эришиш орқали етарли даражадаги иқтисодий муҳофазани таъминлаш эканлигини қайди этиш жоиз.

Президентимиз Ислом Каримов жорий йилнинг 21 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги маърузаларида мамлакатимиз учун долзарб бўлган аҳоли

бандлигини таъминлаш, одамларнинг даромадини янада ошириш ва турмуш фаровонлигини юксалтириш масалаларини ҳал этишга алоҳида тўхталиб, бугунги кунда биз учун энг долзарб муаммолардан бири бўлиши юртимизда меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этишдир, деб таъкидлади.

Юртбошимизнинг ташаббуси билан мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий тараққийини янги ва янада юксак босқичга кўтариш мақсадида 2011 йил "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилинганлиги давлатимиз иқтисодиётини янада юксалтиришда, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган режа ва дастурларни иқтисодий ҳаётга татбиқ этишда кенг имкониятлар яратади. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги бунга замин яратади. Ушбу ўринда шунга қайди этиш жоизки, агар 2000 йилда мамлакатимиз ялли ички маҳсулотининг 30 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган бўлса, кичик биз давр, яъни 2010 йил якуни билан бу кўрсаткич қариб 53 фоизга етиши кутилаётгани, ҳеч шубҳасиз, ана шундай ишларимизнинг манتيқий самарасидир. Бу ҳақда сўз юритганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳолининг учун янги иш ўринлари очиб, барқарор даромад манбаини яратиб, барқарор энг муҳим омилга айланаётганига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан ортиги айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани ҳам шундан далолат беради. Шу ўринда аниқ статистик маълумотларга мурожаат қилсак, 2010 йилда мамлакатимизда жами 950 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилди. Янги ташкил қилинган умумий иш ўринларининг 600 мингдан зиёди ёки 65 фоизи кичик бизнес соҳаси ва фермер хўжалиқларига, 210 мингдан ортиги касаначилик соҳасига тўғри келади. Аҳоли даромади ва фаровонлигини ошириш борасида ҳам сифат жиҳатидан чуқур ўзгаришлар ўз бермоқда. Аҳолининг иш ҳақи ва умуман, пул даромадлари барқарор олиб бермоқда, унинг харид қобилияти муттасил ўсмоқда, фуқароларимиз истеъмол қиладиган маҳсулотлар таркибининг сифати ортмоқда.

2010 йилнинг 3-4 декабрида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялли мажлисида 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури маъқулланди. Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2010 йил II ярим

йиллиги иш режасига мувофиқ ишлаб чиқилган. Дастурнинг мақсади аҳоли бандлиги, даромадлари, турмуш даражасининг ошишини таъминлаш, мамлакат худудлари ва иқтисодиёт тармоқларининг меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш, иш ўринларини ташкил этиш ҳамда аҳоли бандлигини ўстириш масалаларини ҳал этиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг масъулиятини кучайтиришдан иборат.

Дастур меҳнат бозорининг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжлари таҳлили ва баҳоланиши натижаларига, 2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш бўйича ишларнинг қўйлаётган яқунларига, шунингдек, 2011 йилда иқтисодиётнинг барқарор ўсишини ва худудларни ривожлантиришни таъминлаш, шу жумладан, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури, Инвестиция дастури, ишлаб чиқариши маҳаллийлаштириш, модернизациялаш ва технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқариш ва иқтисодий инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқда уй-жой қурилиши дастурлари, минтакаларни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш, индустриал салоҳиятини ошириш худудий дастурларига мувофиқ чора-тадбирларнинг амалга оширилишига асосланган.

Бу дастурнинг қабул қилиниши аҳолига, айниқса тадбиркорларга кенг имкониятлар яратади. Мамлакатимизда Президентимиз томонидан тадбиркорликка ўз вақтида алоҳида эътибор қаратилиб, унинг ривожини учун ҳар томонлама йўл очиб берилаятгани куч-қувватга тўлган ёшларни ўз ора юртиларда меҳнат қилишларига имкон бермоқда. 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг прогноз параметрлари вақтинча ишламаётган фуқароларни, меҳнат бозорига биринчи марта чиқаятган ёшларни ва иқтисодиётдаги таркибий қайта ўзгартиришлар натижасида бўшаб қолаётган ходимларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларига бўлган эҳтиёжни баҳолашдан, шунингдек, мавжуд эҳтиёжни тўлиқроқ қондириш учун янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича барча мавжуд имкониятлар ва захиралардан келиб чиқиб белгиланганлиги аҳамиятлидир. 2011 йилда юртимиздаги касб-хунар коллежларини 450 мингдан ортиқ ўқувчи тамомлайди. Бу уларни иш билан таъминлаш масаласини қўяди. Дастурнинг яна бир муҳим жиҳати, касб-хунар коллежини тамомлаган ёшларимизни меҳнат бозорига ўз ўринларини топишда қўмақлашди.

Дастурнинг асосий йўналишлари ва прогноз параметрларини изохлайдиган бўлсак, биринчидан, мамлакатимизнинг ҳар бир вилояти, туман ва шаҳарларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, бунда аҳоли зичлиги ва ишсизлик даражаси, меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларни, иш ўринларини ташкил этишнинг барча имкониятлари ва захирала-

Отбек МИРЗАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими

ри ҳисобга олинган. Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурига ҳамоҳанг бўлиб, бу жиҳат бир томондан аҳолини иш билан таъминлаш масалаларининг муваффақиятли ҳал этилишига имкон яратса, иккинчи томондан Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган вазифаларнинг ҳам самарали ижро этилишига хизмат қилади. Иккинчидан, бундай дастурнинг қабул қилиниши катта қўшимча капитал сарфлар талаб қилмайдиган иш ўринларини кўпайтириш захираларини янада тўлиқроқ сафарбар этишни назарда тутди. Учунчидан, кичик бизнеснинг ролини оширишга, хизмат кўрсатиш соҳасини, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини устувор тарзда ривожлантиришга, шунингдек, касаначилик ва ҳунармандчилик каби бандликнинг самарали шаклларини янада ривожлантиришга йўналтирилган. Тўртинчидан, дастур аҳоли бандлигини таъминлашга йўналтирилган халқроқ стандартлар талабларига, Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган Халқроқ меҳнат ташкилотининг "Бандлик сиёсати ҳақида"ги Конвенцияси, "Иш жойлари ҳақидаги глобал пакти", "Касаначилик тўғрисида"ги Конвенция таъминлашга йўналтирилган.

Меҳнат бозорини тартибга солишдаги муҳим ва самарали тадбирлардан бири, бу бўш иш ўринлари ярмаркаларини ташкил этишдир. Ушбу мақсадларда шаҳар ва туманларда иш қидирувчилар ва иш берувчиларни жалб этган ҳолда бир мингдан ортиқ бўш иш ўринлари ярмаркаларини ташкил этилиши кўзда тутилган. Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар натижасида қорхона ва ташкилотларда ишловчиларнинг муайян қисми иш жойларини йўқотиб, шу худуд меҳнат бозорига ўз мутахассисликлари бўйича иш топа олмай қолишганда, уларни янги, ишга жойлаштириш имконини берадиган касбларга ўқитиш ва ўргатиш ишларини амалга ошириш чоралари ҳам белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, Юртбошимиз томонидан 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилинганлиги ва "2011 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури"нинг қабул қилинганлиги мамлакатимизнинг тараққийи учун катта аҳамиятга эга бўлиб, фуқароларимиз иш билан бандлигини таъминлаш ва шу орқали аҳолининг турмуш даражасини янада юксалтиришга хизмат қилади. Энг муҳими, ана шундай ислохотларнинг амалга оширилишида бевосита иштирок этаётган ҳар бир фуқаро Юртбошимиз ва давлатимиз сиёсатининг мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ англайди, унинг эртанги кунга бўлган ишончи янада мустаҳкамланади.

Мамлакатимизда кенг қўламада амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасига доир қонунчилик асосларининг шаклланиши ва унинг мунтазам равишда такомиллаштириб борилиши инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2010 йил 12 ноябр кунги қўшма мажлисида Президентимиз Ислом Каримов нодавлат нотижотар ташкилотларининг давлат тузилмалари билан

Ҳакамлик судларига бағишланди

Узоро ҳамкорлигини такомиллаштириш зарурлиги ҳақида таъкидлаган эди. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг изчил давомийлиги сифатида Ўзбекистон Республикасининг "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциациясининг Тошкент шаҳар филиали ҳузурида ва барча туманларда доимий фаолият кўрсатувчи нодавлат ҳакамлик судлари ташкил этилди. Фаолиятини яқинда бошлаган Тошкент шаҳар ҳакамлик судла-

ри ваколатли судларнинг амалиётини фойдаланишлари зарурлигини инобатга олиб, фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди ҳамда шаҳар хўжалик суди ва ҳуқуқни муҳофиза қилувчи органлар, шунингдек, бошқа муассасалар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида, "Тадбиркорлик субъектлари ва фуқаролар ўртасидаги қарздорлик ҳамда бошқа мулкий низоларни судда ҳал қилишнинг ўзига хос хусусиятлари, бу борадаги суд амалиёти" мавзусида конференция бўлиб ўтди.

Гули ҲОЖИБОВА,
"Huquq"
Анжумани Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси раиси И.Долимов очди. Сўзга чиққанлар республикамизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар давомийлиги, Ҳакамлик судларининг ташкил этилиши ва фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш тизимига янги-чи ёндашушни шакллантириш борасида аниқ тақдир ва мулоҳазаларини баён этдилар.

Конференцияда Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурорлари, шаҳар Адлия бошқармаси ходимлари, Шаҳар ҳокимиятининг масъул ходимлари ва мутахассислари, шаҳар Солиқ бошқармаси ходимлари, шаҳар хўжалик, фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича судлари судьялари, Ўзбекистон Фанлар академиясининг аъзолари, Олий ўқув юртлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. Анжуман сўнгида "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Қонуннинг амалда самарали ишланиши таъминлаш ҳамда қонун ҳужжатларини ушбу қўшма мувофиқлаштириш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

ЖИНОЙ ГУРУХНИНГ ТУГАТИЛИШИ

Чилла кириб, кундузги жазирамадан кейин тунлари ҳам дим бўла бошлади. Бундай пайтада аксарият кишилар уйқусизликдан қийнасалар-да, ярим тунда Учтепа туманидаги уйлардан бирининг олдига пайдо бўлган шарпанг девяри ҳеч ким пайқамасди. Бошдан-оёқ қора кийинган бу кимса ҳаммасини олинган режалаштирган бўлса керак, ҳеч бир қийналмай, балконга ўрнатилган темир панжарани домкрат ёрдамида кўчириб олди-да, ичкарига осилиб тушди. У ердан ошхонага ўтиб, бирма-бир бошқа хоналарга ҳам кириб чиқа бошлади. Кўп ўтмай иккита катта сумкани тўлдирганча кирган жойидан қайтиб чиқиб, қоронғуликда гойиб бўлди. Эртасига кириб келган хонадон соҳибаси нарсалари жойида йўқлигини билиб, бошини чангаллади. Ўзини қўлга олгач, милицияга хабар берди.

Маълум бўлишича, унинг хонадонидан 250 минг сўмлик тилла узук билан 2 минг 130 АҚШ доллари ўғирланган экан. Дарҳол тезкор гуруҳ тузилиб, ўғирлик ҳолати юзасидан жиноят иши қўзғатилди. Орадан 20 кунлар ўтгач, ички ишлар бўлимига Шайхонтоҳур туманидаги уйлардан бирининг эгасидан ўғирлик содир этилгани ҳақида ариза тушди. Воқеа жойига етиб келган орган ходимлари воқеа жойини кўздан кечирар эканлар, бу галги ўғирлик ҳам худди Учтепа туманидаги ўхшашлигини, яъни уйга айнан балкондаги темир панжарани бузиб кирилганига аҳамият қаратишди. Фақат ўғирлар бу сафар анчагина кўпроқ, 4 минг 500 АҚШ доллари, "Toshiba" русумли notebook, компьютер монитори, фотоаппарат, уй телефони, тилла узук ва зирақлар, жами эса 4 минг 500 АҚШ долларидан ташқари яна 20 млн. 985 минг сўмлик қимматбаҳо жиҳозларни ўмариб кетишибди.

Ҳаш-паш дегунча ёз билан куз ўтиб, қиш бошланди. Янги йил байрамига санокли кунлар қолган. Одамлар байрамга тайёргарлик қўришаётгани боис, биров билан бировнинг иши йўқ, Шунинг учун ҳам Келес шаҳридаги дангилмама ҳовли-жой атрофида пайдо бўлган "Матиз" автомашинасига ҳеч ким аҳамият ҳам бермади. Салонда ўтирган тўрт киши бўлса, ўзларини бир нималарни маслаҳат қилаётган қилиб кўрсатишса-да, аслида чор-атрофни кузатиб, режа тузишарди.

Бир ҳафтадан кейин шу тўртовлондан уч нафари Бешқайрағоч мавзесига учрашди. Режани яна бир бор маслаҳат қилиб, Келес томон йўлга тушишди. Манзилга етиб келгач, машинани қўшни кўчада қолдириб, ўзлари мўлжалдаги уй ёнига келишди. Улардан бир киши ажралиб чиқди-да, бир уринишдаёқ девордан ошиб, кўча эшикни очиб берди. Қолганлар ҳам дарҳол юзларига никоб кийиб, бири газ тўппончаси, иккинчиси пичоқ билан қуролланган, ўзларини ичкарига уришди. Зинадан кўтарилиб, ўнг томондаги хонага кириш олдига уларнинг бири қоровул бўлиб қолди-да, икки киши ичкарига кирди. Кўзлари қоронғуга бироз ўргангач, ухлаб ётган она-болани кўришди.

— Онани уйот, — кирганлардан бири шеригига шундай дея буйруқ бера экан, ён томондаги тумбочка устида турган уяли телефон аппаратини олиб, ёнига солди.

Шериги шу заҳоти аёнинг тепасига келиб, турта бошлади. Ширин уйқуда ётган аёл кўзларини очиб, ён-атрофига қарар экан, аввалига нима бўлаётганини тушунмади. Тепасида никоб кийгани нотаниш кимсалар турганини фаҳмлагач эса, батамом довдариб қолди. Энди бақирмоқчи эди, босқинчилардан бири озғини ёпиб:

— Овозингни чиқарма. Пуллар қаердалигини айтсанг, сенларга тегмаймиз. Тез бўл, — дея дағдага қилар экан, унинг қўл-оёқларини боғлаб қўйди.

Кўрқувдан эс-ҳушини йўқотиб қўяй даражага келган аёл дағ-дағ титраганча қўшни хонада, шафк ичмада кўрт-қасининг чўнтағида тилла буюмлар борлигини тушунтирди. Шу заҳоти у айт-

ган хонага йўл олган кимса кўп ўтмай тугилган даструмолни кўтариб кирдию, шеригига юзланди:

— Алдамабди. Мана... Сен шу ерда бўлиб тур, қолган хоналарни ҳам қараб чиқай...

Аммо қолган хоналардан қўлга олинмаган бошқа ҳеч нарса топишмади. Шундан кейин машинани қўйган жойларига қайтиб, ортларига қайтишди ва эртаси кун ичрашишни келишиб, уйларига тарқалишди. Эртасига айтилган ерда тўланишгач, тилла буюмларни ўзаро бўлишиб олишди.

Шаҳарнинг ҳали у ери, ҳали бу еридаги хонадонларга кириб, бировларнинг йиллаб йиққан маблағлари-ю бойликларига эга чиқаётган бу кимсалар ким экан дея қизиқётган бўлсангиз керак? Биринчи ва иккинчи ҳолатда балкон орқали хонадонга тушиб, қимматбаҳо буюмларни ўмариб чиққан кимса 1990 йилда Тошкент вилоятида тугилган Авзал Мухамедов бўлади. Унинг шериклари эса, 1988 йилда туғилган Равшан Рўзиев билан 1987 йилда туғилган Суннатилла Иноғомовлардир.

Ҳаммаси 2009 йилнинг ёзида бошланди. Ўша кун танишлари Ш.Носиров ҳамда Б.Мусаев билан учрашган Авзал ҳозирча ишсиз юрганлигини айтиб, пулсизликдан нолиган эди, Б.Мусаев Учтепа туманидаги уйлардан бирида таниши истикомат қилиши-ю кўпинча уйда ҳеч ким бўлмаслиги боис, бемалол ичкарига кириб, у-бу нарса олиб чиқиш мумкинлигини айтиб қолди.

— Фақат мени тўғри тушунинглар. Уй эгаси танишим. Шунинг учун сизлар билан боролмайман...

Авзал унинг бу гапини анча вақтгача ўйлаб юрди-да, сўнгра таваққал қилиб кўрмоқчи бўлди. Аввалига ўша уйнинг ёнига келиб, вазиятни кузатиб, ичкарига қандай қилиб кириш мумкинлиги ҳақида бош қотирди. Шу икки-уч кун ичида уйга ҳеч ким келмагач, қатий қарорга келиб, йўлга чиқди. Унинг бу "сафар"и қандай натижа билан тугагани ҳақида юқорида баён қилинди.

Она-боланинг ҳамда Келес шаҳридаги уйга кириш режасини ҳам унга айнан Б.Мусаев берган эди. Бу гал Авзалга таниш йигитлар қўмақ беришди.

Б.Мусаевнинг бойвачча танишлари шунчалик кўп экани, у кейинги сафар учрашганларидея Авзалга яна бир хонадоннинг манзилини берди-да, бу гал ҳам уй эгасини яхши таниганлиги боис ўзи иштирок этмаслигини айтиб, уйда ит борлиги ҳақида ҳам оғохлантирди. Орадан ўн кунларча ўтгач, Равшаннинг "Матиз"и ҳам йўлга чиқди. Итти чалғитиш мақсадида ҳар эҳти-молга қарши 5 килоча соқиска олишни ҳам унутмашди. Манзилга етиб келиб, машинани четроққа қўйишгач, уйнинг ёнига келишди. Равшан Авзалга гаражининг тепасига кўтарилишига ёрдам бергач, ўзи ҳовлидаги итга соқиса ота бошлади. Бундан фойдаланиб ичкарига кириб олган Авзал, Равшанни ҳам тортиб олди. Сўнгра ҳар иккаласи юзларига никоб тортиб, газ тўппонча ва пичоқ билан қуролланганча биринчи хонага киришди. Бу ердан анчагина пул топишгач, Равшан уйга кирган жойдан ташқарига қайтиб

Дилшод ПАРДАЕВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси
бўлим бошлиғи



тушди-да, Авзал узатган пулларни олиб, машинаси томон кетди. У машинани ҳайдаб, уйнинг ёнига келганда Авзал анча-мунча нарса йиғиб қўйган экан. Зумда телевизор, касса аппаратлари, ҳужжатлар солинган аёллар сумкаси ҳамда калитлар шодаси салондан ўрин олди. Авзалнинг ўзи ҳам пастга тушгач, калитларни олиб, гаражини очди. Қараса, "Ласетти" билан "Нексия" автомашиналари калитлари билан турибди.

Авзал нима қилмаси дегандай Равшанга қараган эди, у елкасини қўсди.

— Шундан-шунга келиб, биттасини ҳам олиб кетмасак, "уят" бўлар... Эгалари уйғониб қолмаслиги учун итариб олиб чиқамиз. Ке, ёрдам бериб юбор...

"Нексия"ни итариб ташқарига олиб чиқишгач, Авзал рулга ўтирди. Равшан эса ўзининг машинасини бошқариб, бу ердан узоқлашди. Маҳаллалардан бирига кириб, "Нексия"нинг давлат рақамини ечиб, ўзини беркитиб қўйишди. Озроқ юришгач, телевизор юк бўлишини айтиб, у билан касса аппаратлари-ю ичмадаги ҳужжатлари билан аёллар сумкасини ҳам ташлаб юборишди. Эртасига эрта билан Авзал уйдан ўмариб чиққан телефони 40 минг сўмга пуллаб, Равшан билан учрашишга ошдики. Пуллардан Б.Мусаевга 3 млн. сўм ажратиб, қолганини бўлиб олишди. Уларнинг бу "юриш"лари натижасида хонадон эгасига 33 млн. 268 минг сўмлик зарар етказилди.

Февраль ойининг охирида шериклар яна учрашди. Пуллари билан ҳам томон бўлгани боис яна Б.Мусаевга илтижомли назар ташлашди. Буни қарангки, у бу сафар нафақат қаерда мўлжалдаги уй борлигини айтиб берди, балки ўзи олиб бориб кўрсатишга ҳам тайёр эканлигини билдирди.

Хуллас, орадан бир ҳафтага вақт ўтгач, Равшаннинг машинасида тўрт киши йўлга чиқди. Б.Мусаев ваъда қилингандек, йўлни кўрсатиб борди. Айтилган ерга келиб, машинани сал нарига қўйишгач, Авзал эшикни очиб учун отланди. У деворга ўрнатилган труба орқали томга чиқиб, у ердан ҳовлига сакраб тушди-да, секин уйнинг орқа эшигини очиб, шерикларини киритди. Юзларига никобларни кийиб, аввал мехмонхонага, у ердан қўшни хонага ўтишди. Бу ер ётоқхона бўлиб, уй эгалари ухлаб ётишган экан. Б.Мусаев секин эркак кишининг устидаги аёлни тортган эди, у уйғониб, шу заҳоти қаршилиқ кўрсата бошлади. Шошиқ қолган Б.Мусаев қўлидаги газ тўппонча билан унинг бошига кетма-кет туширди. Шоққинни эшитиб, қўшни хонадан уй соҳибининг ўғли кириб келди. Авзалнинг ёнидаги шериги зарб билан уриб, уни ҳам ерга йиқитгач, Авзал эркакнинг тепасига келиб, пуллар қаердалигини сўрай бошлади. Бояқши нима ҳам қилсин, боши билан шафк олдини кўрсатди. Босқинчилар у кўрсатган жойдаги қутидан пулларни олгач, бошқа хоналарни ҳам тита кетишди. Кўп ўтмай у ердан ҳам анча-мунча сўм топиб, таш-

қарига отилишди. Шоша-пиша машинага ўтиргач, жуфтакни ростлашди.

Беруний мавзесига келиб, Б.Мусаев ижарада яшаётган уйга киргач, нафаслари ростлаб олишди-да, "даромад"ларини ҳисоблашди. 10 млн. сўм экан. Тўртовлон 2,5 млн. сўмдан бўлиб олишди-ю, тарқалишди.

Авзал апрель ойининг бошларида Б.Мусаевни йўқлаб қолди. Унчалик жон қойитмай, осонгина даромад топишга ўрганиб қолган эмасми, улар учрашишгач, яна бирорта бойроқ хонадон ҳақида сўрай бошлаган эди, Б.Мусаев Домбуробод маҳалласида тилла билан шуғулланмаган қариндошини эслади. Бу янглиқдан боши осмонга етган Авзал дарҳол қолган шерикларини ҳам ёнига чорлади. Улар ҳам келишгач, машинага ўтириб, ўша уй атрофини "разведка" қилишди. "Шароит"дан кўнгиллари тўлгач, ишни амалга ошириш кунини белгилаб олишди.

Мана, ўша кун ҳам келди. Кеч киргач, тўртовлон машинага ўтириб, манзил томон ошқиклиди. Уйнинг олдига келишгач, дераза орқали уйга кирган Авзал шерикларини ҳам тортиб олди-да, деразани ёпиб қўйди. Улар кирган жой мехмонхона экан.

— Шу ерда арталбагача кутамиз, — Авзал шундай дея шерикларига бир-бир қараб чиқаркан, гапида давом этди, — уй эгаси эрта билан болаларини олиб кетишини бир-икки марта кўрдим. У кетгач, уйда фақат хотини қолади. Пулларни ўзимиз қидириб, қийналиб юрмасдан, ундан сўраб қўямиз...

Унинг гапига ҳеч ким эътироз билдирмади. Ўзлари билан олиб келган сумкадан пивча билан банан чиқариб, сигарет тутатганча тамадди қилиб ўтиришар экан, бирин-кетин ухлаб қолишди. Эрта билан уларни Б.Мусаев уйғотиб, ҳовли томонга имлади. Шоша-пиша пастга қарашди. Уйнинг дарвозаси очилиб, бир эркак машинасини ҳайдаб чиқиб кетишини кузатиб туришгач, Авзалнинг ишораси билан ишга киришди. Дераза орқали ҳовлига тушиб, қарама-қарши томондаги хонага бирин-кетин кириб боришди. Қарашса, бир аёл чақалого билан ухлаб ётибди. Б.Мусаев секин бориб, чақалоқни кўтариб олган эди, бола йиғлаб юборди. Боласининг овозидан уйғониб кетган аёлга овозини чиқармасликка имо қилиш баробарида, қўл-оёғини боғлаб бошлашди. Б.Мусаев эса, қўлидаги чақалоқни баянд кутарган кўйи, газ тўппончани унинг қорнига тираб, пуллар қаердалигини сўради. Аёл йиғламираб, пуллари жойлашган ерни айтишини, фақат боласига зиён етказмаслиқни ўтиниб сўрай бошлади. Шундан кейин уни бошқа хонага олиб чиқиди. Аёл титраган қўллари билан стол тортмасидаги тилла тақинчоқлар билан қора пакедгаги пулларни олиб берди. Б.Мусаев пулларни олгач, кетиш тарафдаги тушишди, аммо аксига эшик очилмади. Маълум бўлишча, эшик пулт орқали бошқарилар экан. Яна аёлниң "ёрдами"дан фойдаланишга тўғри келди. Кўчага чиқишгач, Равшаннинг машинасига ўтириб, жуфтакни ростлашди. Б.Мусаевнинг уйига келгач, пулларни ўзаро бўлиб олишди. Тилларар эса Авзалга қолди. Бир ҳафтадан кейин яна учрашди. Б.Мусаев тилла ўлчайдиган тарози олиб келган экан, тилла тақинчоқларни ўлғач қўриб, тенг ярмини ташкилотчи бўлгани боис ўзига олди. Қолганларини эса шерикларига бўлиб берди.

Авзал тилларларни Равшан билан сотиб юборгач, бор пулларни йиғди-да, Равшаннинг номига "Нексия" автомашинасини сотиб олди.

Буни қаранг-ки, май ойининг бошларида пули қолмаганидан қийналган Авзалнинг ёнига яна Учтепа туманидаги уй тушиб, бир ўзи ўғирликка тушмоқчи бўлди. Манзилга келиб қараса, ўзи бир вақтлар тушган деразага янги темир панжара қўйилди. Вақтни ўтказмай, панжарага осилиб, иккинчи қаватга кўтарилди-ю ўша ердаги дераза орқали ичкарига кириб олди. Бу ердан топилган 5 млн. сўмдан кўпроқ бўлган пулларни ёнига уриб, изига қайтди...

"Бузоқнинг юргани сомонхонагача" дейишди. Ҳар қандай жиноят эртаси, кечми барибир очилади. Олиб борилган тезкор ҳаракатлар туфайли Авзал Мухамедов бошчилигидаги жиноий гуруҳнинг фаолиятига ҳам чек қўйилди. Уттан йилнинг сентябрь ойида жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман суди маъзур гуруҳнинг қилмишларини кўриб чиқиб, судланувчиларнинг ҳар бирига тегишли жазо тайинлади.

Яхшидир аччиқ ҳақиқат...

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ташқи меҳнат миграцияси борасида фуқароларимизнинг хорижда меҳнат қилишини тартибга солувчи ҳуқуқий асослар яратилди. Утган давр мобайнида неча минглаб юртдошларимиз ана шу имкониятдан фойдаланган ҳолда хорижий давлатларда ишлаб, тажриба ва кўникма ортиришга муваффақ бўлдилар.

Бироқ, хорижда ишлашнинг қонуний йўллари бўла туриб, айрим кишилар ноқонуний тарзда чет элга бориб ишлашга ҳаракат қилаётганликлари ҳам сир эмас. Бундайлар деярли барча ҳолларда фирибгарларнинг тузоғига тушиб, одам савдоси қурбонига айланмоқдалар. Чироқчи туманидаги Наймансарой қишлоғида яшовчи ака-ука Худоёр, Бурҳон ва Умарбек Ҳужақуловлар, шунингдек, Чаппариқ қишлоғилик Бердиёр Эшонқулов, Тўлабой Нурматов ва Қувончбек Бозоровлар ана шундай фириб "қурбон"га айландилар. "...Яхшидир аччиқ ҳақиқат, Лек ширин ёлғон ёмон", дейилганидек, улар аччиқ ҳақиқатни тан олишни истамай, ҳамқишлоқлари Маҳматберди Олтибоевнинг ширин ёлғонларига учиб, алданиб қолдилар.

М.Олтибоев жияни Т.Ҳайдаров ва терговда шахсини

аниқлашнинг имкони бўлмаган, Москва шаҳрида истиқомат қилувчи Илҳом ва Азамат исмли шахслар билан олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, одамлар меҳнатидан фойдаланиб, текин даромад олишни мақсад қилишди.

Ака-ука Ҳужақуловлар уст бўлишгани боис уларнинг ҳар бирига ойига 1000 АҚШ доллари, уларнинг юқорида номлари тилга олинган яна уч нафар шеригига эса уста ёрдамчиси сифатида 500 АҚШ доллари ойлук маош беришни, яхши яшаш шариоти ва озиқ-овқат билан таъминлашни ваъда қилишди.

Бироқ М.Олтибоев алдаётган одамлари билан бир қишлоқдан бўлиб, улардан бири уруғи, иккинчиси аймоғи эканлигини, бозори-у мозори бирлигини, қолаверса, вақти келиб жиноий қилишни ошкор бўлса, ҳамқишлоқлари олдида юзи шувут бўлишидан ташқари, қонун олдида жавоб беришига тўғри келишини ўйлаб ҳам кўрмади. Бойлик орттириш, манфаат кўриш ҳақидаги хомхаёллар унинг кўзини кўр, қулғонини кар қилиб қўйди.

2008 йил 4 июнь куни уларни Москва шаҳрига чақириб олиб, паспортларини олиб қўйди ва ўша йилнинг 26 декабрига қадар турли қурилиш ишларида ишлатиб, жами 19 минг АҚШ долларлик иш

ҳақларини бермасдан ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборган. Судланувчи М.Олтибоев судда айбига қисман иқроқлиб билдириб, 2007 йил ноябрь ойдан Москва шаҳрида буйруқ асосида фаррош бўлиб ишлашини, ҳамқишлоқларини сотмаганлигини, уларнинг меҳнатидан манфаатдор бўлмаганлигини, фақат улар Москва шаҳрида ҳисобда турмаганликларини сабабли улар учун тўлов қайдномасига имзо қўйиб, пулни қишлоққа - уларнинг оила аъзоларига жўнатиб юборганлиги ҳақида кўрсатма берди.

Бироқ М.Олтибоевнинг айби ариза ва тушунтириш хатлари, гувоҳларни сўроқ қилиш ва юзлаштириш баённомалари ҳамда иш бўйича тўпналар бошқа ёзма далиллар билан ўз исботини топди.

Суд М.Олтибоевга нисбатан жазо тайинлашда унинг шахсини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини, жабранувчиларга етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, огирлаштирувчи ҳолатлар йўқлигини қайд этгани ҳолда жазо тайинлашни лозим топди ва ЖКнинг 135-моддаси 2-қисмининг "б", "е", "з", "и" бандлари билан қонун санкцияси доирасида

Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Huquq»

ахлоқ тузатиши иши жазоси тайинлашни, ЖКнинг 56-61-моддалари тартибда жазоларни қисман қўйиш йўли билан узил-кесил озодликдан махрум қилиш жазоси тайинлашни лозим топди. Бироқ юқорида қайд этилган ҳолатларнинг эътиборга олиб, судланувчи озодликдан махрум этиш жазосини ўтамасдан туриб ҳам унинг ҳулқини назорат қилиш орқали тузатиши мумкин, деган қатъий фикрга келди. Шу сабаб айбланувчига нисбатан ЖКнинг 72-моддасини қўллаб, шартли ҳукм қилди. Яъни, белгиланмаган суинов муддати ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ҳисобланадиган бўлди. Эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, айбланувчи суд залидан қамқондан озод қилинди ва жабранувчиларга етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги қайд этиб ўтилди.

Юқорида номлари қайд этилган фуқаролар ҳуқуқий саводсизликлари туфайли азият чекиши, асаблари эгволанди. Ваҳоланки, кейинги йилларда Ўзбекистон билан Россия Федерацияси ўртасида сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маданий ва бошқа со-

ҳалардаги ўзаро ҳамкорлик жадал ривожланиб бормоқда. 2007 йил июль ойда Ўзбекистон ва Россия ҳукумати ўртасида "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Россия Федерациясига ва Россия Федерацияси фуқароларининг Ўзбекистон Республикасига меҳнат фаолияти ва меҳнаткаш мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги битим имзоланганлиги мамлакатимиз фуқароларининг Россияда меҳнат фаолиятини амалга ошириш масалаларида мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратди. Мазкур битим фуқароларимизнинг барча ҳуқуқ ва манфаатлари таъминлашини кафолатлагани билан ҳам аҳамиятга эгадир. Ҳозирги кунда агентлик ҳамда унинг Тошкент, Бухоро, Нукус, Фарғона ва Қарши минтақавий бюралари томонидан Россиянинг бир қатор иш бевуқчалари ва уларнинг вакиллари билан тузилган икки томонлама шартномалар асосида фуқароларимиз мазкур мамлакатга ишга юборилмоқда. Шундай эҳсан, юртдошларимиз ҳам фақат қонуний йўл билан ўз мақсадларига эришишга интилишлари лозим. Шундагина улар дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган одам савдосидек трансмилийл жиноятнинг қурбонига айланмадилар ва ҳаётларида турли кўнгилсиз ҳодисаларга ўрин қолмади. Фирибгарларнинг ширин ёлғонларига учиб, уларнинг тузоғига тушиб, она-Ватандан, оила бағридан олисларда сарсон-саргардон бўлмайдилар.

Бетартиб ҳаёт фожеага етақлади

Иччиликбозлик одатда салбий оқибатларга сабаб бўлади. Ҳаётда бунга мисоллар талайгина. Аммо, минг афсуски, айрим одамлар бундан ўзларига тегишли хулоса чиқариб олмайдилар.

Гурланлик Отабек Маҳмудов ҳам спиртли ичимлик истеъмол қилиш оқибатида нафақат ўз ҳаётини издан чиқарди, балки оиласини ҳам барбод қилди.

Спиртли ичимлик ичиб, жанжал чикараверганлиги туфайли уни ота-онаси оиласи билан уйдан чиқариб юборди. Бир муддат қариндошлариникида яшаб юришди. Аммо бу ҳам узоқ чўзилмади. Арси нафар фарзанди ҳам уларни деб сарсон-саргардон. Отабек билан Назокат ихарага уй олиб, яшашга қарор қилишди.

Бироқ, тарки одат амри маҳол, деганларидек, ҳаётдаги қийинчиликлари Отабекга сабоқ бўлмади. У ўзини тути олиш, ҳаётини изга солиш, оиласига ғамхўрлик қилиш ҳақида ўйламадан, аксинча, турли бахоналар топиб, маст ҳолда, хотини билан жажаллашиб келди. Бу жанжаллардан болалар ҳам безор бўлишди.

Назокат турмуш ўрғотгани йўлга соломаслигини англаб, у билан ажрашишга қарор қилди. Бу қарорни Отабекка айтганида у жалт отиғи минди.

— Бекорларни айтибсан, мендан фақат ўлиб кутуласан.

Доимий калтакланishлардан зада бўлган Назокат опасиникига кетди. Турмуш ўрғотига хонадон эгаси уйни бўшатиб қўйишни талаб қилаётганини айтиб, "нарсаларингизни уйингизга олиб кетинг" деди. Отабек мебелларини онасиникига олиб кетди. Назокат ажрашиш учун ҳужжат тўрилашга киришди. Бу Отабекка ёқмади. Унинг юрагига гулгула тушган, турли шубҳагумонлар безовта қиларди. Хотинининг ажрашганга сабаб у кимдир топганида деб ўйларди. Узининг хатти-ҳаракатлари, оиласига азоб бераётгани, ҳеч қаерда ишлаганлиги тўғрисида эса бош қотиришни истамасди.

"Гумон йиммондан айирар" дейдилар. Шубҳаларга тасдиқ излаб, Отабек ихарага олган уйи атрофини кузатиб. Назокат кундузлари фарзандлари би-

Алишер САЛАЕВ,
Ҳоразм вилоят прокуратураси катта терговчиси
Ойбек ЖУМАНИЕЗОВ, «Huquq»

лан шу ерда бўлар, аммо кечалари эридан кўрққанидан опасиникига бориб ётарди. Бир куни Отабек ярим тунда дераза орқали ижара уйига келиб ўтирди. Хотинининг келишини кутди. Эрталаб ўғли ва кизини олиб, ижара уйига келган Назокат ошхонада Отабекни кўриб кўрқиб кетди. Болалар ҳам ваҳимага тушишди. Қизи Насиба кўрққанидан ташқарига қочиб кетди.

Назокат деразага яқинлашиб, қўшнилари ёрдамга чақирди. Ҳазоабга минган Отабек уқусу шишаси билан хотинининг бошига ура бошлади. Уқусу шишаси сингча, Отабек пичоқни ишга солди.

Назокатнинг ёрдам сўраб қичқирганини эшитган қўшниси Омонбой ака қулфланган эшикни куч билан очиб кирди. Қўлдаги таёғи билан Отабекнинг қўлига уриб, пичоқни туширди. Назокат кўчага қочиб чикди.

Қўшнилари уни шифохонага олиб боришди. Буларнинг ҳаммасига гувоҳ бўлган 11 яшар Асадбек йиғидан ўзини тутолмасди.

Меҳр-оқибатли қўшнилари туфайлигина Отабек ўз қабиҳ режасини амалга ошира олмади.

Биз спиртли ичимлик инсонга дўст бўлмаслигини, шиша ичига беркинган шайтонни лаъин одамзоднинг ичига киргач, уни ҳар қўйларга солишини биламиз. Аммо нега кўр-кўрона унга интиламиз? Нега ўз ҳаётимизни ўзимиз издан чиқарамиз?

Инсон оила қураб экан, ўз олдига "бахтли бўламан, фарзанд тарбиялайман, уларнинг қамолтини кўраман" деган эзгу мақсадларни қўяди. Аммо, ҳамма ҳам бунинг улдасидан чиқавермайди. Отабек ҳам шулар тоифасидан. У-ку, ўз жазосини олди. Аммо, Назокатнинг кейинги аҳволи нима кечади? Норасида фарзандлар тақдирини нима бўлади?

"Ўйламай босдим тиконни, тортадурман жабрини", дейдилар. Афсуски, босган тикони жабрини Отабек бир ўзи тортаётган. Бу воқеадан балки у тегишли хулоса чиқарар.

Фолбинни тунаган аёллар

Зафар БОЙСИНОВ,
Пайариқ туман прокурорининг ёрдамчиси
Дўстбек СУЛАЙМОНОВ, журналист

Жамила қўшниси Шўҳсанамнинг ўйига келди:

— Опа, бир жойда жуда катта пул бор, шу пулни олсак иккаламизга ҳам яхши бўлади.

— Ҳазиллашманг, катта пулни қаредан оламиз?

— Гули опа деган фолчининг уйдан ўғирлаймиз. Пулга жудаям муҳтожман, 900 доллар қарзим бор, ёрдам беринг, илтимос, — ялинишга тушиш Жамила. — Пулни бўлишиб оламиз.

Авалгита қўшнисининг тақлифига кўнмай турган Шўҳсанам, пулни тенг бўлишиб ҳақидаги гапни эшитиб, рози бўлди. Ўтириб, ўғирликнинг режасини тузиб чиқинди. Унга кўра, Жамила уй эгасини чалғитадиган, Шўҳсанам эса уйдаги пул турадиган сандиқчани олиб чиқадиган бўлди.

Жамиланинг эри Россияга ишлашга кетган бўлиб, ишнинг тайини йўқ шекли, пул жўнатмасди. Оқибатда, оиласи қийин аҳволга тушиб, қарзга ботди. Шу боис, Жамила Гулбаҳор фолбиннинг рўзгор ишларига қарашли юрар, оиланинг барча сирларини ҳам яхши биларди. Айниқса, тилла тақинчоқлар ва пуллар сақланадиган сандиқча турадиган хона кўзига бошқача кўринарди...

Келишилган куни кечга яқин Жамила Гулбаҳор оиланикига кириб келди. Узини иш қилаётгандек қилиб кўрсатиб, сандиқча сақланаётган хонанинг эшигини очиб қолдирибди. Бу пайт уй эгалари айвонда овқатланиб ўтиришганди. Жамила чеккароққа ўтиб, Шўҳсанамга телефон қилиб-да, ҳаммаси тайёрлигини билдирибди. Соат саккизларда керакли манзилда пайдо бўлган Шўҳсанам, ўзига белгиланган ишни "удлабуронлик" билан бажариб, сандиқчани оли-ю, кўздан йўқолди. Жамила эса ҳеч нарса билмагандек, ишларини қилиб юрарди.

Бир маҳал Шўҳсанамга "тез кел" деган SMS келди. Жамила шу заҳоти Гулбаҳор опанинг уйдан чиқиб, Шўҳсанам-

никига борди. Сандиқчанинг қулфини бузишди-ю қотиб қолишди... Ана бойлигу, мана бойлик.

Сандиқчадан 810 АҚШ доллари, 50 минг сўм пул, 2 млн. 400 минг сўмлик тилла узуклар, 2 млн. сўмлик тилла сиргалар, 800 минг сўмлик болалар тилла сиргалари, 650 минг сўмлик тилла тақинчоқлар ҳамда Г.Мирзабековга тегишли бўлган фуқаролик паспорти, 2 нафар фарзандларини туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалари, автомашинанинг олди-сотида шартномаси, 2 дона тасбеҳ ва 1 дона пичоқ чикди. Жами 7 млн. 717 минг сўмлик бойлик... Энди нават улусини бўлишга келди. Жамила Шўҳсанамнинг улусини — 5 дона тилла узук, 4 жуфт тилла сирга, 1 дона тилла қулочча ва 300 АҚШ доллари берди.

— Ҳужжатларини нима қиламиз? — сўради Шўҳсанам хизмат ҳақини олгач.

— Уларни йўқ қилишимиз керак, бўлмаса бошимизга бало бўлади.

— Тайлоқда бир танишин бор, шуникига бориб, йўқ қилсак-чи?

Бу таклиф Жамилага маъқул бўлди.

Улар Юн Славаникига боришгач, уй эгасига билдирмай, ҳоҳатхонага кириб, ҳужжатларини ёқиб юборишди. Бироз меҳмон бўлгач, уларнига қайтиб келишди. Қулларнинг бирида Шўҳсанам узуклардан бирини сотмоқчи бўлиб Феруза исмли аёлга учради. У сотишга ёрдам бераман деб ваъда берди-да, узукни олиб қолди. Эртаси куни Феруза Гулбаҳор опани учратиб қўлиб, тилла узук борлигини, истаса сотишини айтиди. Гулбаҳор опа ўзининг узунини шу заҳоти таниди. Лексин сир бой бермай, савдолаша бошлади. Бироздан кейин:

— Пулинни эртага олиб келаман, — деб Ферузаникидан чиқиб кетди. Эртаси куни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳудудини билан кириб келди...

Шундай қилиб, бировнинг молига кўз олайтирган Жамила Имомова ва Шўҳсанам Амановлар сундинг ҳукми билан тегишли жазога тортидилар.

Вояга етмаганлар ҳимоясига бағишланди

Мамлакатимизда ёшларга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Мамлакат келажаги ёшлар қўлида экан, маънавий ва jismonий жиҳатдан баркамол инсонни тарбиялаш — биз учун миллий эътиборга бўлиб қолмасдан, балки умумдавлат аҳамиятига эга бўлган гоят долзарб масаладир.

Бугунги кунда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида прокуратура органлари томонидан мутасадди идоралар билан ҳамкорликда муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бу борада асосий эътибор вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари, ижтимоий муҳофазаси ва таълим-тарбиясига оид қонуний

иҳтисоти қаратилган. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратури томонидан қонунийлик ташаббуси ҳуқуқи асосида "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва 2010 йил 28 август кун Олий Мажлис Сенати томонидан маъқуллаб, 2010 йил 30 сентябрдан куч-

га кирди. Вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлиги ва улар томонидан содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлари келтириб чиқараётган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қабул қилинган ушбу қонунда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш ҳамда уларни ҳуқуқий нормаларга ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилган.

Вилоятимизда фаолият кўрсатаётган "Вояга етмаганларга ижтимоий ҳуқуқий ёрдам

кўрсатиш маркази"га 2010 йил давомида 137 нафар вояга етмаганлар олиб келинган бўлиб, улардан 13 нафарини ташлаб кетилганлар, 2 нафарини қаровсиз қолганлар, 25 нафарини махсус муассасаларга юборилаётганлар, 50 нафарини оиласидан ўзбошимчилик билан чиқиб кетганлар, 40 нафарини давлат ва жамият томонидан ёрдам кўрсатишга муҳтож бўлган, шахси аниқланмаган вояга етмаганлар ташкил қилди.

2011 йил 31 январь кунги вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан вилоят ҳокимлиги ҳузурдаги вояга етмаган ишлари бўйича комиссия, жиноят ишлари бўйича

Алишер ТЕШАЕВ,
Навоий вилоят прокуратурининг катта ёрдамчиси

суд, ички ишлар бошқармаси ва бошқа идоралар билан ҳамкорликда ушбу қонуннинг мазмун-моҳиятига бағишланган семинар ўтказилди.

Семинарда вилоят ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлари, жиноят ишлари бўйича судлар, ВЕИБ комиссия аъзолари, таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда шу соҳага масъул ташкилот ва идораларнинг масъул ходимлари иштирок этишди.

ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН

«DILING SAVDO» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Туркистон кўчаси 4-уйда жойлашган Ўзбекистон почтаси ОАЖнинг "Халқаро почта" филиали балансидаги:

1. 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AF 429 бўлган ГБАСНГ Ваз-2106 русумли автотранспорт. Бошланғич нархи - 1 221 000 сўм. Закалат - 300 000 сўм.

2. 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 456 ДАА бўлган Нексия русумли автотранспорт. Бошланғич нархи - 5 048 676 сўм. Закалат - 1 100 000 сўм.

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А.Темуэр шох кўчаси 16А-уйда жойлашган "Қишлоқ қурилиш банки" ОАТБ Бош амалиёт бошқармаси балансидаги:

1. 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/103КАА бўлган Ниссан Сунни 1.3L русумли автотранспорт. Бошланғич нархи - 20 370 000 сўм. Закалат - 4 000 000 сўм.

2. 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/952 НВА бўлган Ласетти русумли автотранспорт. Бошланғич нархи - 19 700 000 сўм. Закалат - 4 000 000 сўм.

3. 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/254 КАА бўлган Нексия русумли автотранспорт. Бошланғич нархи - 11 900 000 сўм. Закалат - 2 400 000 сўм.

Шунингдек, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Фарход кўчаси, 21А-уйда жойлашган "Саноатконтхазорат" Д.И. "Саноат хафвсизлиги" қўмақлашиши мар-

кази балансидаги:

1. 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/428НАА бўлган Тико русумли автотранспорт. Бошланғич нархи - 4 931 000 сўм. Закалат - 1 000 000 сўм.

Аукцион савдолари 2011 йил 15 март кунги соат 15:00да бошланади. Сотилмаган объектлар 2011 йилнинг ҳар сешанба кунлари ўтказиладиган савдоларга сотилгунга қадар қўйилади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар автотранспорт воситаларининг юқорида кўрсатилган миқдордан кам бўлмаган закалат пулини савдо ташкилотчиси "Diling savdo" нинг АИКБ "Ипак йўли"даги МФО 00444, СТИР 301623196, 20208000904852353001 сонли

ҳисоб рақамига закалат пули тўғрисидаги келишувга асосан тўлайдилар.

Аризаларни қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал тўхтатилади.

Савдо голибига савдо кунидан бошлаб ўн кун муддат ичيدا олди-сотди шартномасини имзолаш, шартнома тузилгунга қадар тўланган закалат миқдори, сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоиздан камини ташкил этган тақдирда этишмаётган суммани тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани М-14, 19-уй.

Телефон/факс: 244-88-04. Электрон почта: auction@bk.ru

Гўвоҳнома: № 001568 - 09



Кўпчилигимиз банк-молия тизими тўғрисида сўз юритганимизда аввало, ўзиниз билган банк муассасалари ҳақида турли фикрларни биллашимиз. Албатта, бугунги кунда қай бир талбиркор бўлмасин, сифатли банк хизматларининг тарафдоридир. Айримлар талбиркорликка қизиқиб, бошқалари эса фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида банкларга мурожаат қилиб, кредит маблағларини олишни режалаштиради.

Ўз навбатида, республикаимизда фаолият юритиб келаётган банк муассасалари томонидан талбиркорларга хусусий бизнесларини бошлаш ёхуд кенгайтириш учун турли хизматлар тавсия этилиб келинмоқда.

Шу маънода, хусусий очик акциядорлик-тижорат банки "Invest Finance Bank" ("InFinBank" ХОАТБ) айнан кичик ва ўрта бизнес вакиллари учун мўлжалланган банклардан, десак янгилишмаган бўлмасин, 2007 йилда тижорат соҳасида юқори муваффақиятларни таъминловчи барқарор ва универсал молия институтини яратиш мақсадида ташкил этилган ушбу банкнинг бугунга келиб, ўз олдига қўйган мақсадида юз фоиз этишганини ифтихор билан айтиш мумкин. Ҳозирда миқдорларнинг банкка ишончи юқорилиги боис уларнинг сони ҳам кундан-кунга ўсиб бораёттир. Банкнинг юқори ўринлардан жой олиб келаётгани ҳам фикримизнинг яққол исботидир. Энди эътиборингизни рақамларга қаратсак.

Бугунги кунда банк муассасасининг активлари йилга тўрт баробарга ўсиб, 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, кўрсаткич 108 млрд, 428 млн, 706 минг сўмга етди. Шу билан бирга, банк капиталли 12 млрд, 367 млн, 014 минг сўмни ташкил этмоқда. Айтиш жоизки, бундай юқори натижаларга эришишда шижоатли ва етуқ кадрлардан иборат банк жамоасининг хизмати беқийс эканлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринли.

Банкнинг асосий мақсади стратегик йўналишларда юридик шахслар, кичик ва ўрта бизнес вакиллари кредит билан таъминлаш бўлиб, кредитлар ажратилишида тегишли тартибдаги режа ва лойиҳалар қабул қилиниб, молиялаштирилади. Ҳозирда берилётган кредитлар ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт ва қурилиш, шунингдек, савдо ва иқтисодиётнинг бошқа йўналишларини ривожлантириш учун йўналтирилмоқда.

Жумладан, ўтган йили кичик бизнес субъектларига 27044,27 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Эътиборли жиҳатларидан яна бири шундаки, банкнинг доимий миқозлари қаторида

ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

талбиркор аёллар ҳам салмоқли ўринни эгаллайди. 2010 йилда банк томонидан уларга 1950,00 млн. сўм кредит маблағлари берилиши таъминланди. Жами бўлиб, ўтган йили "InFinBank" ХОАТБ томонидан 37843,45 млн. сўм миқдорда кредит маблағлари йўналтирилди. Бу ўз навбатида, жойларда иш ўринлари, сифатли махсулотларнинг кўпайиши ва талбиркорлик фаолиятларининг кенгайишига олиб келди.

Бундан ташқари, ҚК "Alfa Plastik" МЧЖ, ЕКОПЕН савдо белгиси, "COSCOM" хорижий корхонаси, "Тошкентпарранда" ОАЖ, "Norma" компаниялар гурухи, "Respublika Mulk Aukstion" ДК, "KRKA" ваколатхонаси каби йирик ташкилотлар ҳам банк хизматларидан доимий фойдаланиб келишмоқда. Шунингдек, банк корпоратив миқдорларнинг умумий сони 2000га яқинлиги ҳам таҳсинга лойик. Бугунга келиб, "InFinBank" ХОАТБ банкнинг иккита филиали Тошкент вилояти, Сирғали ва иккита минибанки "Навоий", "Сирғали" ҳамда тўртта чакана хизмат маркази "Чирчик", "ТТЗ", "Фарход", "Бунёдкор"лар орқали сифатли банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

"InFinBank" ХОАТБ банки ҳисоб-китоб хизматларини миллий ва хориж валюталарида амалга оширади. Банк ва миқоз ўртасида ҳужжатлар алмашинувининг электрон усуллари ҳам йўлга қўйилган. Кўп тармоқли банк-корреспондентлари тармоғи эса ташки савдони молиялаштирилиши билан боғлиқ операцияларни тез амалга ошириш, маблағларни жойлаштириш, шунингдек, маълум чекловлар доирасида ҳужжатлар, конверсиялар ва кредит операцияларини сифатли бажарилишини таъминлайди.

"InFinBank" ХОАТБ банк томонидан MIGOM, ANELIK, WESTERN UNION, UNISTREAM, БТФ-Союз ва Азия Экспресс каби замонавий пул ўтказиш тармоқлари қаторида халқаро пул ўтказмаларининг бир неча турлари жорий этилиб, улар муваффақиятли хизмат кўрсатиб келмоқда.

Ҳозирда нафақат ишбилармонлар ёки бизнес вакиллари, балки оддий аҳоли ҳам банк хизматларидан фойдаланган ҳолда коммунал тўловлар, мобил телефонлар ва провайдер хизматлар учун тўловларни ҳам амалга оширишлари мумкин. Банк ҳудудларро самарали ва қулай иш тизimini ташкил этиш мақсадида "Интернет-банк" масофали банк

хизматини ҳам йўлга қўйган. Бу усулда маълумот узатиш dial-up ва Интернет-улашиш каби турли алоқа каналлари орқали амалга оширилади. Банкнинг бош идорасида йўлга қўйилган замонавий автоматлаштирилган банк тизими миқозлар ҳақидаги маълумотларни ва тузилган шартномаларни назорат қилиб туриш, кенг қўламли банк ҳужжатларини қайта ишлаш, шунингдек, миллий ва хориж валюталарда тўловларни амалга оширишни таъминлайди.

"InFinBank" ХОАТБ - бу бизнесни юритиш ва маблағларни сақлаш учун қулай бўлган замонавий банк хизматларини ўзидан муассасам этган универсал тижорат банк ҳисобланади. Бу йилда банкнинг олдига қўйган энг муҳим мақсадларидан бири, замонавий ҳудудий банк хизматини йўлга қўйиш ва ходимлар маалақасини оширишдан иборат. "InFinBank" ХОАТБнинг энг биринчи галдаги вазифаси эса миллий иқтисодиётимиз ва юртимизда замонавий банк тизими ривожига, шунингдек, юртимиз аҳолисининг турмуш даражасини янада юқори кўтаришига ўз ҳиссасини қўшишдир.

Баргида МҮМИНЖОНОВА, журналист



«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ

Сизга кўмакчи



Дунё мамлакатларида кузатилган иқтисодий инқироз ҳали-ҳануз барҳам топмаётганлиги кўпчилиكنи ташвишга солаётгани аини ҳақиқат. Инқироз сабаб, қанчадан-қанча иш ўринлари йўқолиб, не-не компаниялар фаолиятларини тугатди. Бунинг натижасида, аксарият давлатларнинг иқтисодий салоҳияти ҳам бирмунча оқсади. Шукрлар бўлсинки, Президентимиз раҳнамолигида ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар туфайли инқирознинг юртимизга таъсири деярли сезилмади. Мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат банкларимизнинг салоҳияти ҳам бундан далолат бериб турибди.

Хукуматимиз томонидан қабул қилинаётган қатор қонун ҳамда қонуности ҳужжатлари молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш, тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Президентимиз томонидан жорий йилга "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" дея ном берилиши ҳам бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришга хизмат қилмоқда.

Маълумки, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда, ёш тадбир-

корларни қўллаб-қувватлашда банкларнинг ўрни бекиёс. Шу маънода, банкларнинг кишлоқ жойларда замонавий, жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб берадиган техника билан жиҳозланган қайта ишловчи корхоналарни барпо этиш, янги иш ўринларини яратиш, уларнинг даромадлари ва фаровонлик даражасини ошишида салмоғи катта. Бугунга келиб, банклар томонидан берилган кредитлар ҳисобига ишлаб чиқариш корхоналари

сони кўпайиб, янги иш ўринлари яратилиб келинмоқда.

"Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ томонидан сўнгги пайтларда амалга оширилаётган ишлар фикримизнинг яққол далилидир. Хусусан, банк томонидан 2010 йилда озик-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари, агрофирмалар, фермер хўжаликлари ва бошқа тадбиркорлик субъектларига жами 53,3 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Биргина, озик-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга технологик ускуналарни сотиб олиш учун 10,0 млрд. сўм кредит ҳамда 261,4 млн. сўм маблағ лизинг хизматлари асосида йўналтирилди. Ишлаб чиқарувчи корхоналарга хомашё ва материаллар сотиб олиш учун 37,8 млрд. сўм, фермер хўжаликлари, агрофирмалар ва бошқа тадбиркорлик субъектларига эса 5,2 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилиши таъминланди. Шу жумладан, 17 та иссиқхонани ривожлантиришга замин яратилди.


Бундан ташқари, рақобатбардош, юқори сифатли ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг турларини кенгайтиришни рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини янада бойитиш, тайёр ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи янги маҳаллий корхоналарни ташкил этиш ҳамда мавжудларини модернизациялаш,

техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, бунинг асосида аҳоли бандлигини таъминлаш, инсонларнинг даромадлари ва фаровонлик даражасини ошириш мақсадида "Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ томонидан ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга ўтган йил давомида 39,6 млрд. сўмлик кредит берилди.

Шунингдек, технологик ускуналар харид қилишга 14,8 млрд. сўм кредит ҳамда 84,6 млн. сўмлик лизинг хизматлари асосида маблағлар ажратилиши таъминланди. Хомашё ва материаллар сотиб олишга 23,5 млрд. сўмлик ва улгуржи савдо учун 1,3 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлар йўналтирилди.

"Ўзсаноат-қурилишбанк" ОАТБ "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" да ҳам ўзининг самарали бизнес лойиҳалари билан мамлакат ривожига ўз ҳиссасини қўша оладиган кичик бизнес субъектларининг молиявий кўмакчиси бўлишга, мижозларга юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиш бўйича амалга оширилаётган ишларни давом эттиришга ва ёш тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашга доимо тайёр эканлигини маълум қилади.

Ўткиржон ДЕХҚОНОВ,
«Huquq»



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

NBU

Корея Эксимбанкнинг кредит йўналишини жалб этган ҳолда Навоий ЭИИЗда маҳаллий (Кореянинг ҳар қандай компанияси билан узлуксиз савдо алоқаларига эга бўлган) корхоналар ва Корея билан қўшма корхоналар учун ускуналар машина қурилмаларини сотиб олиш ҳамда ўрнатиш лойиҳаларини молиялаш дастурини амалга оширмоқда.

Корея Эксимбанкнинг кредит йўналиши:

- ☑ кредит йўналишининг умумий суммаси — 50 млн. АҚШ доллари;
- ☑ кредит олиш мумкин бўлган муддат — 2012 йил 4 майгача;
- ☑ банк молиялайдиган импорт контрактлари ҳажми — 100 минг АҚШ долларидан бошланади;
- ☑ кредит муддати — 5 йилгача, жумладан, лойиҳа бўйича ҳар бир кредит учун алоҳида 2 йиллик имтиёзли давр;
- ☑ фоиз ставкаси — SWAP ёки LIBOR + ҳар бир лойиҳа бўйича алоҳида белгиланадиган маржа (тахминан йиллик 6%, ЎзР тижорат банкининг маржасини ҳисобга олмаганда);
- ☑ ташкил этганлик учун воситачилик ҳақи — кредит суммасига нисбатан йиллик 0,1%;
- ☑ мажбурият учун воситачилик ҳақи — кредитнинг ўзлаштирилмаган суммасига нисбатан йиллик 0,3%.

Замонавий технологиялар ва ускуналар сотиб олиш учун Хитой Давлат Тараққиёт банкининг кредит йўналишини жалб этган ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини хорижий валютада қўллаб-қувватлаш дастурини амалга оширмоқда.

Хитой Давлат Тараққиёт банкининг кредит йўналиши:

- ☑ кредит йўналишининг умумий суммаси — 75 млн. АҚШ доллари;
- ☑ банк молиялайдиган импорт контрактлари ҳажми — 100 минг АҚШ долларидан бошланади;
- ☑ кредит муддати — 8 йил, жумладан, 3 йиллик имтиёзли давр;
- ☑ Хитойда ишлаб чиқарилган товарларни етказиб бериш улushi — камида 50%;
- ☑ фоиз ставкаси — LIBOR + йиллик 3,5% (ЎзР тижорат банкининг маржасини ҳисобга олмаганда);
- ☑ ташкил этганлик учун воситачилик ҳақи — кредит йўналишининг суммасига нисбатан йиллик 0,3%.

МИЛЛИЙ БАНК БИЗНЕСИНГИЗНИ СИЗ БИЛАН БИРГА РИВОЖЛАНТИРАДИ!

Кўшимча маълумот олиш учун 235-38-52, 235-17-02
рақамли телефонларга мурожаат қилинг.
www.nbu.com

